

НУРОБОДЛИК «МАУГЛИ»

У ҳамон галиришни билмайди,
ҳар хил овозлар чиқаради.
Ўввойи хати-ҳаракатлари
билан атрофдагиларни хай-
ратга солади.

2
БҲТ

УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

Ўтган йили аниқланган 4
милрд. 585 млн. 921 минг
сўмлик зарарнинг 93,8
фоизи ундирилди.

4
БҲТ

ШАҲАРДАГИ ЙИРТҚИЧЛАР

Ит ит-да, Шунни тушунган
йўловчи борки, «ит ўйин»
бўлаётган жойлардан
юрагини ховучлаб ўтади.

9
БҲТ

ЖИНОИЙ ГУРУҲНИНГ ТУГАТИЛИШИ

Турган гапки шприц ёрдами-
да «клофелин» аралашти-
рилган «Ип-топ»ни «Матиз»
эгасига узатган эди.

10
БҲТ

Mustaqillik huquq demakdir

Ниқидиқ



ЎЗБЕКНИНГ
RESPUBLIKASI BOSH
PROKURATURASINING
NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2007-yil 1-mart, № 09 (530)

Республика Бош прокуратурасида

Сарҳисоб

Суд-ҳуқуқ ислохотларини чуқурлаштиришда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишда прокуратуранинг алоҳида ўрни бор. Соҳа ходимларининг шундай масъулиятли вазифага бўлган муносабатини рағбатлантириш мақсадида бир неча йиллардан бери йилнинг энг яхши прокурори, терговчиси, давлат айбловчиси танлови ўтказиб келинмоқда. Кеча Ўзбекистон Бош прокуратурасида танловнинг 2006 йилги якунига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Бош прокурор ва ўринбосарлари, бошқарма ва бўлим ходимлари, прокурор-тергов ходимлари иштирок этдилар.



Баҳодир ДЕҲҚОНОВ,
Андижон вилояти прокурори

УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

Президентимиз Ислам Каримов 2007 йил 12 февралда Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида бундан буён ҳам бизнес, жумладан, хусусий бизнес учун зарур бўлган барча шароитларни яратишга катта эътибор қаратиш лозимлигини бежиз таъкидламаганди. Зеро, турли мулкчиликка асосланган корхоналар, жамиятлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари, жисмоний ёки юридик шахслар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, у ёхуд бу турдаги масалаларни ҳал этиш, қўйингки, ҳар бир фуқаро ёки оиланинг, катта ёки кичик меҳнат жамоасининг тинчлиги ва келажаги айнан шу қонунлар талабига бўйсуниб яшаш билан бевосита боғлиқдир. Афсуски, қўрилаётган чораларга қарамай иқтисодиёт соҳасида порахўрлик, турли суиистеъмолчиликлар, мулкни талон-тарож қилиш, даромадни солиқдан яшириш, савдо қондаларини бузиш орқали умумхалқ манфаатига зиён етказиш каби жиноятлар барҳам топмаётир.

Аслида азалий қадриятларимизга зид бўлган бундай ҳолатларнинг олдини олишга сафарбар қилинган айрим мансабдорларнинг ўзлари бу турдаги жиноятларга қўл ураётганини қандай изоҳлаш мумкин? Наҳотки, бундай кимсалар содир этилган ҳар бир жиноят учун жазонинг муқаррарлиги ҳақида ўйлаб қўришмаган бўлишса?

Андижон вилояти бўйича 2006 йилда ўтказилган 951 та текширишда аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш юзасидан 1417 та тақдимома киритилган. 734 та ноқонуний ҳужжат протест асосида бекор қилинган. Қонунбузарликларга йўл қўйган 1947 нафар шахс интизомий, 2164 нафари маъмурий, 334 нафар масъул шахс моддий жавобгарликка тортилган. Сулларга қонунбузарликлар оқибатида етказилган 7,1 млрд. сўмлик зарарни ундириш тўғрисида даъво аризалари киритилган ва қўпол қонунбузарликлар юзасидан 213 та жиноят иши қўзғатилган. (Давоми 4-бетда).

ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Йиғилишни Ўзбекистон Бош прокурори Рашидjon Қодиров кириш сўзи билан очди. Шундан кейин Бош прокурорнинг ўринбосари Комилjon Исмоилов танлов якунларини эълон қилди. Унга мувофиқ хизмат бурчини намунали бажараётган, иш самарадорлигини ошириб бораётган Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани прокурори **Улугбек Жўраев «йилнинг энг яхши прокурори»**, Бош прокуратуранинг жиноятларни тергов қилиш бошқармаси катта терговчиси **Темур Умуров «йилнинг энг яхши терговчиси»**, Ўзбекистон ҳарбий прокуратурасининг судларда прокурор ваколатини таъминлаш бўлими ҳарбий прокурори **Жўра-**

бой Имонов «йилнинг энг яхши давлат айбловчиси» деб топилди. Шунингдек, Жондор туман прокурори К.Хасанов, Кегейли туман прокурори К.Ниязимбетов, Учқўрғон туман прокурори М.Эгамбердиев, Кармана туман прокуратураси терговчиси Ф.Абдухалиқов, Сурхондарё вилоят прокуратураси катта терговчиси Ф.Қурбонов, Ҳамза туман прокурорининг ўринбосари Г.Давлетов ва Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори Х.Бобоқулловлар танлов совриндорлари бўлдилар.

Мукофотланганлардан сўзга чиққан Қўрғонтепа тумани прокурори Улугбек Жўраев шундай деди:

— Менга бу мукофотнинг берилишини бутун Андижон вилояти прокуратураси ходимлари меҳнатининг эътирофи этилиши деб ҳисоблайман. Айна пайтда шундай ишончга муносиб бўлиш масъулияти зиммамга юкланганини ҳис қилиб турибман. Бундан кейин ҳам бор куч-гайратимни қонунийликни таъминлашга сарфлайман.

Шунингдек, Бош прокуратура ҳузуридаги фахрийларни қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази раҳбари Ботир Калонов, Жўрабой Имонов, Темур Умуровлар ҳам сўзга чиқдилар.

Музаффар ЭГАМБЕРДИЕВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори

Хабар

Коммунал хизмат муаммолари

Фарғона вилоят прокуратурасида назорат-текширув органлари ва коммунал хизмат корхоналарининг идоралараро мувофиқлаштирувчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи У.Абдураулов Президентимизнинг «Коммунал хизматлар тарифлари асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймастик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ижросини таҳлил қилиб берди. Қўрилаётган чораларга қарамасдан вилоят миқёсида етказиб берилган электр энергияси, табиий газ ва бошқа коммунал хизматлардан қарздорликни бартараф этишга эришилмаяпти. Бунинг сабабларидан бири — корхоналар раҳбарлари ваколатлари доирасидаги чораларни қўришмаяпти. Айрим истеъмолчиларнинг қарзини тўлатиш учун тегишли ҳужжатларни реестр асосида солиқ идораларига тақдим этишмаганди. Вазирлар Маҳкамасининг 511-қарори талабларига зид равишда мuddати ўтган дебитор қарзлари мавжуд бир қатор улгурига истеъмолчиларга электр энергияси етказиб беришган. Хизмат мuddати тугаган электр подстанцияларнинг ангиламаётгани оқибатида энергия исроф бўлаяпти. Газ таъминоти идораларининг раҳбарлари ҳам қарзларни ундириш чораларини қўришмаганди.

Коммунал хизмат корхоналари масъул ходимлари қарзларни бартараф этиш ҳақида мулоҳазаларни билдиришди. Вилоят прокурорининг ўринбосари М.Қурбонов аввало ушбу корхоналарнинг ўзида ички интизомни мустаҳкамлаш, ходимларнинг масъулиятини кучайтириш, маҳалла фуқаролар йиғинларининг ишончликларида самаралроқ фойдаланиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Исроил ИБРОҲИМОВ,
«Ниқидиқ» муҳбири

Республика Бош прокуратураси Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш марказида янги тайинланган туман (шаҳар) ва улларга тенглаштирилган прокурорлар билан «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назорати» мавзусида икки ҳафталик ўқув машғулотлари давом этмоқда.



ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВЛАР

Тингловчиларга маҳкама бошқарма ва бўлим бошлиқлари, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар мавзура ўқимокдалар. Шунингдек, машғулотлар доирасида тингловчилар Қонунчилик палатасининг қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзолари билан учрашди, қўйи палата фаолиятининг ҳуқуқий асосларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Юридик фанлар доктори, профессор Х.Одилқориев қатнашган ушбу анжуманда қонунчилик

ҳоқимияти ва суд-ҳуқуқ соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида фикр алмашилди.

«Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг вазифалари» мавзусида ўтказилган семинарда эса Тошкент вилояти ва шаҳри прокуратуралари вакилларида ташқари ТДЮининг ўқитувчилари қатнашдилар. Шунингдек, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Сайёра Рашидованинг «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда про-

куратура органлари билан ҳамкорликни таъминлаштириш» мавзусидаги мавзузаси тингловчиларда катта таассурот қолдирди.

Кеча тингловчилар «Ўзэкспомарказ»да Халқ таълими вазирлиги томонидан намойиш этилаётган мактаб мебели, лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер синфлар учун махсус меbellар ва спорт анжумлари кўргазмасини бориб кўрдилар.

А. БОБОБЕКОВ,
Марказ катта ўқитувчиси

Хисобли бўлиб айрилмас дейдилар. Чунки қарз олдингми, уни ўз вақтида қайтариш керак. Бўлмаса топган-туганингда барака бўлмайди.

Ахмаддон Турдиев тадбиркорликка қўл урганда нафақат оиласи, балки давлатга ҳам фойдаси тегишини кўзлаган эди. Шу мақсадда 1996 йили «Комрон» фермер хўжалигини ташкил қилиб, ишчи-чорвачилиқдан бошлади. Ахмаддон ақл-идроқи ва кунига ишонарди. Шунинг учун ўзи тузган бизнес режага мувофиқ, банкка мурожаат қилиб, икки миллион сўм кредит беришни сўради. Банк мутасаддилари режа билан танишиб, кредитнинг қайтарилишига ишонч

давом этмади. Банк бошқарувчиси З.Уринов сохтакорликдан хабар топиб, 2000 йилнинг июль ойида банк бухгалтериясига фермер хўжалиги ҳисоб-рақамига тушган пулларни кредитни қоплашга йўналтириш тўғрисида кўрсатма берди.

Кизиғи шундаки, банк раисининг бундай кўрсатмаси берилган пайтда Ахмаддон аллақачон фермер хўжалигини Абдужаббор Холбоевга топшириб, бошқа ишга ўтиб кетган эди. Бироқ, маъмуриятга бу ҳақда огоҳлантириш берганлигига қарамастан банк кредитни қайтаришни Ахмаддоннинг ўзидан талаб қилаверди.

сўм моддий ва 100 минг сўм маънавий зарар солидар тартибда ўндирилди. Давонинг қисман бўлса-да қаноатлантирилгани Ахмаддонга далда бўлди. Чунки, бу бир неча йиллик уринишдан кейин қўлга киритилган биринчи ютук эди-да.

Бироз танаффусдан сўнг Ахмаддон зарарнинг қолган қисмини ўндиретиш ниятида Олий судга назорат тартибда навбатдаги шикоятни ёзади.

Лекин бу сафар иш батамом тескаригига айланиб кетди. Ишни қўриб чиққан суднинг даъвои рад этишдан ташқари, барча суммани кредит ажратган банк ва Абдужаббор фойдаси-

У КИМНИНГ ПУЛИ ЭДИ?

хосил қилишгач, икки томонлама шартнома имзоланади.

Шартномага кўра, кредит маблағлари эвазига қўй олинishi лозим эди. Аммо нима бўлди-ю, Ахмаддон қўй ўрнига 44 та қорамол олишга қарор қилди.

Бу ҳолатни Ахмаддон 2000 йилгача бир амаллаб яшириб келишга уринди. Бунда кредитнинг ўз вақтида қайтарилишига масъул бўлган банк ходимларининг эътиборсизлиги қўл келди. Чунки банк ходими Б.Улашев «Комрон» фермер хўжалигига ажратилган кредитнинг мақсадли ишлатилишини банкдан ташқарига чиқмасдан туриб текшириб, ҳақиқатда кредит эвазига 160 та қўй олинганлиги ҳақида далолатномалар тузиб келган эди-да. Лекин «касалини яширсанг иситмаси ошкор қилади» деганларидек, бу ҳол ўзок

Банк вакиллари милиция ходимлари билан биргаликда Ахмаддонни бу ҳақда бир-икки огоҳлантиришгандан сўнг, гарчи у айни пайтда фермер хўжалиги раҳбари бўлмаса-да, иш чалқашиб кетмаслиги учун қариндош-уруғларига тегишли 22 та қорамолни сотиб, кредитни ўз ҳисобидан қоплайди. Лекин бу Абдужаббор Холбоев ва Ахмаддон ўртасида ҳақиқий можорага айланб, иш судгача етиб борди.

Ахмаддон судга мурожаат этиб, можора оқибатида қўрган 4 млн. 400 минг сўм моддий, 2 млн. сўм маънавий зарар ҳамда 8 млн. сўм бой берилган фойдани ўндириб беришни сўради.

Иш судларда бир неча марта қўрилади ва ният 2004 йили Тошкент вилоят судининг ҳал қилув қарори билан Ахмаддоннинг даъвоси қисман қаноатлантирилиб, 1 млн. 907 минг 791

га ўндирди тўғрисидаги қарори Ахмаддон учун қутулмаган ҳол бўлди.

Ҳамма нарса ойдак равшан бўлган бир пайтда иш нега бундай бўлди?

Чунки суд даъвогарининг талабини қаноатлантираётганда Ахмаддоннинг кредитни ўзи қоплаганлиги ҳақида судга тақдим этган маълумотноманинг ҳақиқатга қанчалик мослигини лозим даражада текшириб кўрмаган. Аслида эса кредит Абдужабборнинг фермер хўжалигига тегишли бўлган молларни сотиш ҳисобидан қопланган. Бу фермер хўжалигидан мажzur молларни сотиб олган тадбиркорнинг берган гувоҳлиги, бунга тасдиқловчи банк тўлов топшириқномалари билан ҳам ўз исботини топди.

М. АШУРОВА,
Республика Бош прокуратураси бўлим прокурори

Кўза кунда синмайди

Туманимиз прокуратураси томонидан Республика Вазирилари Махкамасининг «Спиртли ва алкоғол маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори ижросини таъминлаш борасида бир қанча ишлар қилинди.

Пахтакор тумани прокуратураси томонидан ўтган йили ноқонуний равишда спиртли ичимликларни муомалага киритиш бўйича 23 та жиноят иши кўзга тилинди.

Яқинда жиноят ишлари бўйича туман судида Набижон Нурбоевнинг иши қўриб чиқилди. Маълум бўлишича, у фуқаро М.Қулҳаров билан 1 млн. 833 минг 745 сўмлик 1074 литр этил спиртини тўғрива аниқлаш имкони бўлмаган шахслардан сотиб олиб, Пахтакор шаҳри Мирзо Улугбек кўчасидаги 14-уйнинг 2-хонадонига сақлаб келган.

Ўз вақтида қўрилган чоралар тўғрисида жиноятнинг олди олинди. Агар шунча спирт қўлбола арок тайёрловчиларга етиб бормида юзлаб кишиларнинг соғлигига путур етган бўларди.

Устамонлар ароқларини шундай усталик билан тайёрлашмоқдаки, завод маҳсулотидан фарқлаш жуда қийин. Жумладан, пахтакорлик Бахтиёр Исматовнинг ароқини кўпчилик заводда тайёрлаган деб уйларди. Унинг хонадонини текширилганда, бу ердан сотиш учун тайёрлаб қўйилган 115 шиша хар хил турдаги қўлбола арок ва 92 минг сўмлик бошқа спиртли ичимликлар далалий ашё сифатида олиб қўйилди.

Ўртинганда қонунга амал қилиб ишлаётганларнинг омади чопмоқда. Бироқ, баъзи «ишбилармон»лар «қошимиятдан рўйхатдан ўтсам солиқлар асабини бузди» деб савдо-сотки иши аширича амалга оширмоқда. Жумладан, фуқаро З.Қузуров спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рўқасномаси бўлмаса-да, анча вақтдан буён микроларнинг «қорига яраб келган». Яқинда унинг фаолияти фож қилинди.

Тадбиркорлар билан мулоқотларда қонун-қоидалар тўшунтирилмоқда. Мақсадимиз киминдир жозолаш эмас, балки фуқароларимизга жазонинг муқаррарлигини тарғиб қилишдир.

Ч. ЕСЕРГАЛОВ,
Пахтакор туман прокурори

КУН ТАРТИБИДА ҚОНУНИЙЛИК

Ўтган ҳафта учинчи чақирёқ халқ депутатлари Андижон вилоят кенгашининг ўн биринчи сессияси бўлиб ўтди. Олий Мажлис Сенати аъзолари иштирок этган мажzur анжуманида вилоятда қонунийлик ва жиноятчиликка қарши курашнинг аҳволи муҳокама қилинди. *Мажzur масала юзасидан вилоят прокурори Баҳодир Дехқонов ахборот бериб, 2006 йилда қонун, фармон ва ҳуқумат қарорларининг ижросини таъминлаш, жиноятчиликнинг барча кўринишларига қарши курашнинг кучайтириш, вилоятда барқарор вазиятни сақлаб туриш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат бошқаруви идоралари томонидан кенг жамоатчилик билан яқиндан ҳамкорликда муайян ишлар амалга оширилганини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги муаммоларга тўғалиб, фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш, тўлов интизомини мустақамлашга қаратилган қонун талаблари тўлиқ бажарилмаётганлиги, бюджет маблағлари талон-тарож қилинишига йўл қўйилаётганлиги, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари бузилаётган ҳолатлар мавжудлигини таъкидлаб ўтди.

Қўзғин муҳокамадан сўнг кенгаш мажsus қарор қабул қилиб, прокуратура ахборотида келтирилган масалаларни халқ депутатлари шаҳар ва туман кенгашларида, ҳокимликларда, ташкилот ва идораларда, банкларда қўлаб-қувватлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида кенг қўламли тадбирларни амалга ошириш белгиланди.

Д. МАМАЖОНОВ,
Андижон вилояти прокурорининг катта ёрдამчиси

Инглиз ёзувчиси Редярд Киплингнинг «Маугли» асарини ўқимаган ёки у ҳақида ёратилган кино ё мулффилимини кўрмаган киши бўлмаса керак. Асар қаҳрамони Маугли лақабли болакай гўдаклигида ўрмонда йўқолиб қолади-ю, ўсимлик давригача йиртиқ хайвонлар орасида яшайди. Асар жуда кизикarli сюжет асосида ёзилган бўлса-да, ҳақиқатдан йироқдир, чунки хар ким ҳам бунга воқеа содир бўлишига ишонавермайди-да. Аммо, яқинда Нурободда бўлган шунга ўхшаш воқеа ҳаммани ҳайратга солди...

2006 йил 19 декабр куни Сазагон қишлоғида жойлашган Нуробод туман йўл қурилиш ва таъмирлаш корхонасига қарашли гараж қоровули Нурриддин Жиянов участка нозирига учрашиб, гаражга 13-14 ёшлардаги бола келиб қолганини айтиди. Участка нозир қоровул билан бирга гаражга йўл олди. Ҳақиқатан ҳам у ерда бир бола нимадандур қўрқандек ҳурқиб турарди.

— Қанча уринмайин, болани гапиртиролмадим, — деди қоровул милиция ходимига. — Узиям алақандай ёввойим-ей.

Улар яқинлашганда боланинг кўзларида ҳайрат тула қўрқув чакнаб кетди-ю, гайритабиий овозда бўкириб юборди. Эркаклар бир мuddат тўхтаб қолишди. Боланинг қўрқавтганини қўриб, узокроқдан унга гап ташлашди.

— Отинг нима, эй бола?
— Қаердан келиб қолдинг?
Бола уларнинг гагига жавоб беришга уринди-ю, аммо яна аввалгидек гайритабиий овоз чиқарди. Шундангача улар боланинг соқов эканлигига икор бўлишди. Милиция ходими уни олиб кетди.

Тезда туман ИИБга келтирилган боланинг кимлигини аниқлаш ишлари бошлаб юборилди.

Боланинг ияги остида чандик изи бўлиб, қилиқлари ҳам гайритабиий, бунинг устига гапиролмасди. Ундан ҳеч қандай маълумотни олиб бўлмасди. Шундай бўлишига қарамай ИИБ ходимлари суриштирув ишларини олиб боришди. Шунда 1998 йили вояга етмаган бир боланинг йўқолганлиги кимнингдур эсига тушиб қолди. Боланинг исми Баҳром бўлиб, у 1992 йилда туғилган. Олти ёшида, яъни, 1998 йилнинг 19 июли куни тасодифан йўқолиб қолган. Қариндош-уруғлари билан қидирган ота ўлини ҳеч қаердан топмаганди. Шундан сўнг туман ИИБга ўғлини топиб беришни сўраб мурожаат қилган. Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, тевкор қидирув ишлари олиб борилган. Аммо бола топилмагач, жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилган. Кейинроқ, 2000 йилнинг 15 июли куни туман прокурорини қўшимча тергов юритиш учун бунга йи мuddат белгиланган, аммо бу сафар ҳам Б.Сўяров топилмаганди. Дархол ҳужжатлар қўтарилди, маълумотлар ўрганилди. Болани ўша беда-

ИМКОНИЯТНИ СУНИСТЕЪМОЛ ҚИЛМАНГ

Иқтисодий жиноятчилик дейилганда мамлакат иқтисодиётига зиён етказадиган ёки етказиши мумкин бўлган ижтимоий ҳавфли қилмишлар тушунилади. Жиноятчиликнинг бу кўриниши жамиятга зимдан зарар етказувчи таҳдидлар сирасига кириши ҳам ҳеч биринчига сир эмас. Шу боис мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот органлари жиноятчиликнинг хар қандай кўриниши каби иқтисодий жиноятчиликка қарши ҳам муросасиз кураш олиб бормоқда.

Тадбиркорлик субъектлари, жумладан, хорижлик тадбиркорлар учун ҳам кенг имкониятлар яратиб берилган юртимизда зини пайтда қўллаб-хорижий ва қўшма корхоналар эркин фаолият юритиб, тараққийимизга муносиб улуш қўшиб келишмоқда. Аммо улар орасида берилган имкониятни сунистеъмола қилиб, иқтисодий жиноятларга қўл ураётганлари ҳам учраб турибди.

Туркиядаги йирик ишлаб чиқариш компаниялардан бирининг шўъба корхонаси саналган «Аулин гўда санауи компани» бош директори Якишан Нусреддин корхона оմбор мудири А.Айтхонов, маркетинг бўйича бош мутахассис Н.Нарматов ҳамда хусусий тадбиркорлар Ш.Раҳматуллаев, Б.Таштанбеков, Д.Мусаев, Ж.Абдурахмонов, М.Мусаев ва бошқалар билан тил бириктириб иқтисодий жиноятларга қўл уриб келишган. Дастлабки ва суд терговиде аниқланишича, «Аулин гўда санауи компани» фаолиятинида фарз мақсадларда фойдаланишига интирилган жинийой ўулаш-тирилган қомашёдан қорхона бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмаган маҳсулотлар ишлаб чиқарган ва маҳаллий тадбиркорлар орқали нақд пулга сотиб, банкка инкассация қилинмаган пулларни ўзлаштириб келишган.

Жинийой гуруҳ ўртасида ўзаро «меҳнат тақсимоти» мавжуд бўлиб, топилган жинийой даромад шунга кўра тақсимланган.

Ун, шакар каби нақд пулга сотиб олинган қомашё ҳисобида ишлаб чиқарилган, лекин бухгалтерия ҳисоботларига киритилмаган маҳсулотлардан тушаётган ҳисобсиз пуллар жинийой гуруҳ аъзоларининг чеки йўқ эхтиёжи учун етарли бўлмаган шекилли, улар ярқосиз маҳсулотларни қомашё сифатида ишлаштиришга бориб етишган. Масалан, 35.916.000 сўмлик истеъмолга ярқосиз печеньеини ун ўрнида қандолат ишлаб чиқариш учун ишлаб-тиб юборишади. Шу тариқа бухгалтерия ҳисобида бўлмаган маҳсулот ишлаб чиқариш учун 12.051.000 сўмлик ун «иқтисод қилиб» қолинган.

Текшириш жараёнида 201.708.258 сўмлик маҳсулот жинийой гуруҳ томонидан ўзлаштирилгани, 35.616.227 сўмлик ор-

тиқча маҳсулот мавжудлиги аниқланган. Бу маҳсулот номаълум манбалардан нақд пулга сотиб олинб, бухгалтерия ҳисоботларида қайд этилмаган маҳсулотлар ишлаб чиқариши учун мўлжаллангани маълум бўлди.

Шунингдек, қорхонада қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган меъёрларга амал қилинмаган 21.960.600 сўмлик маҳсулот ортиқча харажат қилиниб, растрата йўли билан талон-тарож қилинган аниқланди. Бу ҳам етмагандай, улар санитария-эпидемиология назорати маркази бланка ва хатларини қалбакилаштириш йўли билан 29.571.301 сўмлик қадқоқлаш маҳсулотлари — целлофан пакетларини ўзлаштириб юборишган. Ўйни, қалбаки ҳужжатларда кўрсатилганидек «ярқосизлиги сабабли йўқ қилинган» ана шу маҳсулотлардан бухгалтерия ҳисоботларида қайд қилинмай ортиқча ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қадқоқлашда фойдаланиб келишган.

Бундан ташқари, текшириш жараёнида қорхона 9.636.000 сўмлик солиқларни тўламай келаётгани аниқланди.

Қонунларга ҳурмат бўлмаган ҳалол фаолият юритиб келаётган тадбиркорлар давлатимиз томонидан ҳаммаша қўллаб-қувватлаб келинган. Аммо жинийой даромад умидида ноқонуний йўллардан юрган тадбиркор, вақти келиб албатта қонун олдида жавоб беради. «Аулин гўда санауи компани» атрофидаги жинийой гуруҳ фаолияти ҳам фож этилиб, суд ҳукми билан айбдорлар қилимишига яраша жазога тортилди.

Баҳром МАХСИТОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси

НУРОБОДЛИК «МАУГЛИ»

рак йўқолган боланинг сурати билан солиштиришди. Ҳеч ким ўша бола топилганига шўбха қилмасди. Фақат энди уни ота-онаси таниб олса бўлди. Хуллас, йўқолган боланинг ота-онаси, оила аъзолари Нуробод туман ИИБга тақлиф қилинди. Беш-олтига унга тенгқур болалар олиб келинди. Бойқўров Сўяров 13-14 йаш болалар ичидан ўзининг бундан саккиз йил олдин йўқолиб қолган фарзандини таниди. Боланинг ака-укалари ҳам уни танишди.

Бу воқеа бутун туманда шов-шув бўлиб кетди. Ҳамма бахтли оилани табриклашга, замонавий «Маугли»ни қўришга ошиқарди. Бола ҳақиқатан ҳам одамлар орасида яшамагани аққол кўриниб турарди. У ҳамон гапирини билмайди, хар хил овозлар чиқаради. Ёввойи хатти-ҳаракатлари билан атрофдагиларни ҳайратга солади. Бироқ ёш, руҳий ҳаста бола шунча йил қаерда, қандай яшади экан? Муҳими, Нуробод туманининг тоғли худудларида одам қадами эмас жойлар йўқ ҳисоби. Унда бу бола шунча вақт қаерда яшаган? Хуллас, жавобсиз саволлар қол...

Нима бўлса ҳам бола соғ-саломат оиласи бағрига қайти. Ҳозир мутахассислар болани тарбиялаш билан шуғулланмоқда.

Фарҳод АБДУХОЛИКОВ,
Нуробод туман прокурори

Таваккал ишнинг оқибати

Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги қонуinning 27-моддасида бундай қону ҳужжатларини бузган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар дейилган. Бу қандай жавобгарлик?

О.ШУКРУЛЛАЕВ,
Камаш тумани

Бунда маъмурий ёки жиноий тартибда жавобгарликка тортилиши мумкинлиги назарда тутилмоқда. Лекин бу олиб борилаётган фаолият ким ва қандай тартибда амалга оширилаётганига ҳам боғлиқдир. Масалан, автомобил транспортида йўловчи ташви билан лицензиясиз шугулланилганда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 176-моддасига мувофиқ фуқароларга энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса эллик бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солинishi мумкин.

Агар лицензия олинishi шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома олмасдан шугулланиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилган кейин содир этилган бўлса, Жиноят кодексининг 190-моддасига кўра энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳудуддан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Бундай фаолиятни ҳаффиқ репидивист ёки бир гуруҳ шахслар томонидан оқдидан тил бириктириб содир этилган бўлса, ушбу модданинг иккинчи қисмига биноан энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамок билан жазоланади.

Агар кўчада қолса...

Мени 1997 йили Тошкент шахрига ишга қақришиб, хизмат уйи ҳам беришган эди. Лекин шу йилнинг январда мен бошқа ташкилотга ишга ўтганимдан сўнг бу уйдан чиқиб кетишимни талаб қилашяпти. Менинг эса тўрт фарзандим билан кўчиб ўтадиган уйим йўқ. Шунинг учун собиқ иш жойимдагилар мени бу уйдан ҳайдаб чиқаришга ҳақлими?

К.МУХАММЕДОВ,
Тошкент шахри

Уй-жой кодексининг 75-моддаси талабига кўра, хизмат турар-жойлари меҳнат шартномасининг амал қилиш муддатига ёки хизмат даврига, сайлаб қўйилладиган лавозим муддати тугагунга қадр берилади. Шу боис корхона, муассаса, ташкилот билан меҳнат муносабатларини узган ходимлар, шунингдек, сайлаб қўйилладиган лавозимларни эгаллаб турган шахслар, ҳарбий хизматчилар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда улар билан бирга яшаётган барча шахслар билан биргаликда бошқа турар-жой бермасдан хизмат турар-жойидан кўчириладилар.

Агар хизмат турар-жойининг ижара шартномаси муддати тугагач, ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ва у билан доимий яшаётган фуқаролар шу турар-жойни бўшатиб беришдан бош тортишса, улар бошқа турар-жой бермасдан суд тартибда кўчириладилар. Лекин ушбу кодекснинг 80-моддасида назарда тутилган шахслар:

- I ва II гуруҳ ногиронлари;
- 1941—1945-йиллардаги уруш ветеранлари ва байналмилалчи жангчилар;
- ҳарбий хизматни ўтаётганида ҳалок бўлган

ёки бедарак йўқолган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари;

- ногирон фарзандлари бўлган оилалар;
- тарбиячи-ота-оналар, муассаса, ташкилот тугатилиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинган шахслар;

— хизмат турар-жойи берган ташкилотда камида ўн йил ишлаган шахслар;

— эгаллаб турган лавозими муносабати билан турар-жой берилган бўлиб, лавозимидан бўшаган, лекин турар-жойи берган корхона, муассаса, ташкилот билан меҳнат муносабатларини узмаган шахслар;

— ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгариши ёхуд корхона, муассаса, ташкилот тугатилиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинган шахслар;

— ўзи ишлаган корхона, муассаса, ташкилотдан пенсияга чиққан ходимлар;

— хизмат турар-жойи берилган шахс вафот этганда унинг оила аъзолари;

— воёга етмаган фарзандлари билан бирга яшаётган ёлғиз шахслар бошқа турар-жой берилган ҳолда кўчириладилар.

Адвокатга жавобгарлик борми?

Менинг яқин ўртоғим адашиб қонунни бузганини учун устидан жиноят иши кўзгатилиб, айни пайтда тергов олиб бориляпти. Лекин ўртоғим маблағи етарли бўлмаганили учун адвокат ололмади. Шунинг учун унга терговчининг ўзи бир адвокатни бириктириб қўйди. Лекин адвокат билими етарли эмасми ёки ишнинг

шундай кетувидан манфаатдорми, ишни яхши олиб бормаяпти. У шундай қилишга ҳақлими?

Умуман, адвокатлар жавобгарликка тортиладими?

Ж.ЖАБОРОВ,
Зангиота тумани

Агар адвокат ўзига топширилган ишдан манфаатдор бўлса ёки у ҳимоя қилиши лозим бўлган шахс манфаатига зид келадиган ишни қабул қилган бўлса, шунингдек, муайян иш бўйича юридик ёрдам кўрсатаётган ёки аввал юридик ёрдам кўрсатган шахсларнинг манфаати ишни олиб боришни сўраган шахсининг манфаатига зид келса ёки у судга, прокурор, терговчи, суриштирув ўтказувчи шахс, жамоат айбловчиси, суд мажлиси котиби, эксперт, мутахассис, жабрланувчининг, фуқаровий давсвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакили, гувоҳ, халис, таржимон сифатида иштирок этган, шунингдек, ишни дастлабки тергов қилишда ёхуд судда адвокатнинг қариндоши бўлиши мансабдор шахс иштирок этган ёки иштирок этаётган бўлса, у юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги топшириқни қабул қилишга ҳақли эмас.

Адвокат кимнинг манфаатини ҳимоя қилиш топширигини олган бўлса, ўз ваколатларидан шу шахсининг зарарига фойдаланишга ҳамда гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини ҳимоя қилишдан бош

тортишга, агар мижозининг ўзи уни бундан озод этмаса, ҳақли эмас. Қолаверса, жиноят ишини кўриб чиқишда қатнашишга тайинланган адвокат фуқаронинг тўловга қобилиятсизлигини ваъ қилиб, унга юридик ёрдам кўрсатишдан бош тортишга ҳақли эмас.

Адвокатни жавобгарликка тортиш масаласига келадиган бўлсак, у мамлакатимизда амал қилиб келаётган қонунларни бузганда барча фуқаролар каби жавобгарликка тортилади. Лекин у бевосита ўз фаолиятига тааллуқли қонун ҳужжатларини бузган тақдирда унга нисбатан қўйидаги интизомий чоралар қўлланиши мумкин:

- огоҳлантириш (малака комиссиясининг қарорига биноан);
- адвокатлик билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилишини олти ойгача тўхтатиб туриш (лицензия берган орган томонидан малака комиссиясининг қарорига асосан);
- адвокатлик билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилишини тугатиш (лицензия берган орган томонидан малака комиссиясининг қарорига асосан).

Бир неча касбда (лавозимда) ишлаганили, хизмат кўрсатиш доираси кенгайганили, бажарилладиган ишлар ҳажми ортганили, ўзининг асосий иши билан бир қаторда ишда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазибаларини бажарганили учун, шунингдек, ўриндошлик асосида иш бажарилганида (ҳодим ўзининг асосий ишини бажаришдан ташқари асосий ишидан бош шартномаси асосида бошқа ҳақ тўланадиган ишни бажарганда) ходимларнинг меҳнат ҳақи миқдори меҳнат шартномасининг тарафлари ўртасидаги келишувга биноан амалда бажарилган иш юзасидан белгиланади.

(Меҳнат кодексининг 110-моддаси)

Имтиёзли пенсия

Менинг рафиқам ҳозир 51 ёшга тўлди. Умумий иш стажи 37 йил-у икки ойни ташкил этади. Мана шу ҳолатда у белгиланган имтиёздан фойдаланиб, шу ёшида бир йилга қисқартирилган ҳолдаги пенсияга чиқшига ҳақлими? Бу ҳақда туман ижтимоий таъминот бўғамига мурожаат қилганимизда бундай имтиёз берилмаслигини айтишди. Ушбу масалага ойдинлик киритишга ёрдам берсангилар.

А.ХУРРАМОВ, Сирдарё тумани

«Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида» ги қонунда бундай имтиёз мавжуд бўлса-да, аммо бундан барча аёллар бирдай фойдалана олмайдилар. Чунки ушбу қонуннинг 12-моддасида умумий пенсия ёшидан бир йилга қисқартирилган имтиёздан «Пенсия таъминоти тўғрисида» ги қонуннинг 37-моддаси «а», «б», «в» ва «г» бандларида назарда тутилган тоифадаги камида йигирма йиллик иш стажига эга бўлган давлат тўрт ёшга тўлган аёллар фойдаланиши мумкинлиги кўзда тутилган.

Бундай тоифага эга бўладиган аёлларнинг меҳнат фаолиятига қуйидагилар кирди:

- а) фаолият тури, мулк ва ҳужжали юртиш шаклидан қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий сугур-

таланган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўлаган бўлса.

1965 йилдан кейинги давр учун жамоа ҳўжалигидаги иш стажини ҳисоблаб чиқаришда, агар жамоа ҳўжалиги аъзоси узрсиз сабабларга кўра жамоа ҳўжалигида белгиланган меҳнатда иштирок этиш минимумини бажармаган бўлса, ишланган вақтнинг амалда давом этган даври ҳисобга олинади.

Ижодий фаолият билан машғул ходимларнинг иш стажини, башарти улар Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўлаган бўлсалар, ижодий уюшмаларнинг бошқарувлари ана шу муаллифнинг аса-

ри эълон қилинган ёки биринчи марта жамоат олдиде ижро ёки намойиш этилган кундан эътиборан белгилайдилар.

б) ҳарбий хизмат ва партизан отрядлари ҳамда қўшилмаларида бўлиш, давлат хавфсизлиги органларида ва ички ишлар органларидаги хизмат;

в) идоравий бўйсунувидан қатъи назар, ҳарбийлаштирилган соқчиликдаги, махсус алоқа органлари ва тоғ-қутқарув қисмларидаги хизмат;

г) яқка тартибдаги меҳнат фаолияти, жумладан яқка (гурухли) ижара шароитидаги ёки шахсий ёрдамчи, деҳқон (фермер) ҳўжалигидаги фаолият — Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўлаган тақдирда.

Қарздор пулни бермаганда

Мен бундан беш йил аввал бирга ишлаган бир танишимга ўз ишини йўлга қўшиб олиши учун бир йил муддатга пул берсан эдим. Лекин орадан икки-уч йил ўтса ҳам у пулни қайтармади. Бир-икки марта пулни сўраганимда ана-мана деб юсуртираверганидан кейин охири суд орқали ҳақимни талаб қилиб олишимга тўғри келди. Пулнини ундириш тўғрисида қарор чиқарилган бўлса-да, қарздор ижро вақтида куплаб бегона одамларни олдига тўплаб жанжал кўтариши боис суд ижрочилари ҳам пулни ундириб беришда қийналишмоқда. Бундай вазиятда нимга қилса бўлади?

Ю.ЙИГИТАЛИЕВ,
Фарғона шахри

Суд қарорини ижро этиш учун қарздорга нисбатан сиз бирор хатти-ҳаракат қилишингиз шарт эмас. «Ижро ҳаракатларини амалга ошириш жойларида жамоат тартибинин сақлашни таъминлаш бўйича йўриқнома» талабига кўра, суд ижросини ижро ҳаракатларини амалга ошираётган вақтда қарздор ёки бошқа шахслар ўз ҳаракатлари билан бунга тўсқинлик қилганда ички ишлар органи ҳодимлари буни бартараф этиш чораларини амалга ошириши мумкин. Чунки, мазкур йўриқномага мувофиқ, ижро ҳаракатларини амалга оширишда жамоат тартибинин сақлашга жалб этилган ички ишлар органининг ходимлари ижро ҳаракатлари ўтказилаётган жойга ижро иши юритувига алоқадор бўлмаган шахсларни киритмаслигини керак, зарурат туғилганда эса ижро иши юритувида иштирок этаётган кишиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар билан танишиб чиқшига, ишга алоқадор ҳужжатлар, ашёлар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, қарздорлардан ундирилган пул ва қимматбаҳо буюмлар ҳамда бошқа мол-мулкнинг бутлигини сақлашга, суд ижросининг ижро ҳаракатларини амалга ошириш юзасидан берган талабларини бажаришга мажбурдир.

Агар қарздор ва бошқа шахслар суд ижросини ёки ички ишлар органи ходимларининг қонуний талабини бажаришдан бўйин товласа, бу ҳақда далолатнома тузилиб, тегишли материаллар кўриб чиқши учун ижро ҳаракатлари амалга оширилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича судга топширилади.

УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

(Давом. Бошланғич 1-бетда).

Нақд пулнинг банкдан ташқари айланишини янада қисқартириш ва пул тушуми режаларининг бажарилишига қаратилган қўнунчилик ижроси бўйича ўтказилган текширишлар натижасида 84,8 млн. сўмлик зарарни ўндириш ҳақида даъво аризалари киритилиб, 12 та жиноят иши кўзга тилган.

Давлат мулки ва бюджет маблағларининг сарфланишини тартибга солувчи қўнунлар ижроси бўйича ўтказилган текшириш натижасида 31,5 млн. сўмлик зарарни айбдорлар ихтиёрий равишда тўлашди.

Вилоятда мулкни талон-тарож қилиш жиноятларини фош этиш кўрсаткичи ошган.

2005 йили тўғовда 2 млрд. 985 млн. 365 минг сўмлик зарар аниқланиб, унинг 89,8 фоизи ўндирилган бўлса, ўтган йили аниқланган 4 млрд. 585 млн. 921 минг сўмлик зарарнинг 93,8 фоизи ўндирилди.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, кишлоқ ҳўжалиги, пахта ва пиллани қайта ишлаш корхоналари, ёғ-мой санвати, нефт маҳсулотлари каби юқори ликвидлиги маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шугулланувчи корхоналарда жиноятчилик ва ҳўқўбузарликлар кўпроқ учрайпти. Айниқса пахтани қайта ишлаш билан боғлиқ корхоналардаги айрим мансабдорлар давлатнинг миллийлаб сўм маблагини ўзлаштириб юборганлар. Жумладан, Жалолқудлик туманидаги «Еркишлоқ ип-йигирув ва тўкув» акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг собиқ ўринбосари К.Алимов, Қ.Омонбоев ва бошқа мансабдорлар турли жойлардан олиб келинган дастгоҳ ва эҳтиёт қисмларни ўта қиммат нархларда кириш қилишган, сохта ҳўжжатлар тузиш орқали сўнғий қарздорликни юзага келтирилган ва шу тариқа давлатнинг 224 млн. 938 минг сўмлик мулкни кўлга киритилган.

Мазкур корхона раҳбарлари амалдаги қўнунчилик билан таъқиқланган бартараф ва уч томонлама қарзларни сингилтириш шартномаларини тузиб, Избоскан туманидаги «Пойтўг-инвест» хўсусий корхонасидан 23 млн. 243 минг 800 сўм, «Форвард-инвест» хўсусий корхонасидан 10 млн. 912 минг 600 сўм, Наманган шаҳридаги «Шоҳ» хўсусий фирмасидан эса 33 млн. 730 минг 400 сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг давлат бюджетига тушмай қўлишига сабабчи бўлганлар.

Вилоят прокуратурасининг иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими амалга оширган тўғов давомида етказилган зарар тўлиқ қопланиб, жиноят ишлари бўйича вилоят судининг 2007 йил 2 январдаги ҳўкми билан жиноят содир этган «мўҳдорлар» қилимишига яраша жазосини олишди.

Вилоятдаги ҳўқўкни мўҳофаза қилувчи ва назорат органлари хўсусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишига ҳаракат қилаётган бир пайтда айрим ҳўқўкнинг вакилларининг тадбиркорликка гов бўлаётгани ва мамлакат миқёсида амалга оширилаётган хайрли тадбирларга зид фаолият олиб бораётганлиги кечириб бўлмас ҳолдир.

Маҳаллий ҳўқўқликларда тадбиркорларни рўйхатга олишнинг содда-лаштирилган тизими жорий этилган бўлса-да, айрим мансабдорлар тадбиркорлик субъектини ташкил этиш истагини билдирган шахслардан пора талаб қилишмоқда.

Бу каби ҳўлатларни аниқлаш борасида амалга оширилган махсус тадбирлар натижасида ўтган йили 18 та порухўрлик жинояти фош этилиб, жиноятчиларнинг фаолиятига чек қўйилди.

Масалан, Д.Норалиев Андижон туман ҳўқўқликнинг тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси бошлиғи вазифасида ишлаб келгани ҳолда 2006 йил 10 март куни янги ташкил этилаётган тадбиркорлик субъекти раҳбари Д.Маматқўловдан «айрим ҳўжжатларни расмийлаштириб бериш» баҳонаси билан 53 минг сўм пулни пора тариқасида олган вақтида кўлга олинган.

Биргина вилоят прокуратураси органлари тадбиркорларнинг ҳўқўқ ва эркинликларини мўҳофаза қилишига оид қўнунчилик ижроси юзасидан ўтказган текширишларда аниқланган қўнунбузилишларни бартараф этиш юзасидан маҳаллий ҳўқўқнинг ва бошқарув идораларига 28 та тақдирнома киритилди. Қўнунга зид бўлган 20 та буйруқ ва фармойиш протест киритиш йўли билан бекор қилинди.

Текширишлар давомида айрим корхона ва ташкилотлар ўртасида тузилган шартномаларнинг бажарилмаганлиги оқибатида кўплаб зиддиятлар юзага келганлиги, хизмат кўрсатган тадбиркорларнинг ҳўқўқлари поймол этилганлиги аниқланди. Масалан, «Асага дон маҳсулотлари» корхонаси 2005 йил 5 июлда «Бюте-плюс» МЧЖ билан лудрат шартномаси тузди. Жамият ишлари ўз вақтида бажарили-ю, лекин корхона унга 45 млн. сўмни ҳеч бир сабабсиз тўламадан келади.

Мазкур қўнунбузилиш вилоят прокуратураси томонидан ҳўжалик судига даъво аризаси киритиш йўли билан бартараф этилиб, тадбиркорнинг пули ўндириб берилди.

Тадбиркорларнинг манфаатини химоя қилиш борасида шакланган ҳўқўқий тизимда тадбиркорлар билан бевосита иш олиб борувчи солиқ инспекцияси ҳодимларига шарафли вазифалар юклатилган. Лекин солиқ тизимида мансабнинг суиистеъмол қилаётганлар сони аввалги йилдагига нисбатан икки баробардан зиёд ортгани, ҳатто ўн уч нафар солиқчи суднинг қора курсидан жой олганлиги ачинарли ҳолдир. Хўсуван, Андижон шаҳар солиқ инспекциясида участка ноизи вакили лавозимида ишлаган Қ.Солиев 2005 йил май ойидан 2006 йилнинг 10 апрелига қадар аҳолидан қўнундан 484 минг 728 сўмни, Асага шаҳар солиқ инспекцияси бошлиғи А.Қодиров ва бошқалар эса «Хамкор азия» МЧЖда ўтказилган текширишда сохта ҳўжжатлар тузиш йўли билан 1 млн. 256 минг 700 сўмни талон-тарож қилганлар.

Шуни таъкидлаш жоизки, жиноятчиликка қарши кураш ишлари бу йил ҳам шундай давом эттирилди. Бу ҳақда жорий йилнинг 13 май куни вилоят прокуратурасида миллий хавфсизлик, ички ишлар идоралари раҳбарлари, суд раислари ва вилоят ҳўқўқини иштирокида ўтказилган йўналишда катъий келиши олинди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, яхши ниятлар билан қабул қилинган қўнунларимиз энг аввало тараққийотимизнинг муҳим омилли бўлган тадбиркорларнинг ҳақ-ҳўқўқларини химоя қилиш воиситаси бўлиши лозим. Бунга тўсиқлик қилувчи ҳар қандай шахс, ким бўлиши ва қандай лавозимида ишлашдан катъий назар, эртаими-кечми жавобгарликка тортилми тайин.

Мамлакатимизда ижтимоий химоя тизими йилдан-йилга такомиллашиб, биринчи навбатда кам даромадли, етарли даражада таъминланмаган оилаларга моддий ёрдам бериш йўлга қўйилди. Жумладан, Президентимизнинг 1994 йил 23 августдаги «Кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий химоясини ошириш тадбирлари тўғрисида»ги фармони бунинг яққол далили бўлиб, ижтимоий химояга муҳтож кишиларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этди.



ИЖТИМОЙ ХИМОЯ — ЭЗГУЛИК ИФОДАСИ

Ижтимоий химояга энг аввало муҳтож бўлган кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, етим-есир ва ногиронлар, талаба ва пенсионерларнинг манфаатларига бозор муносабатларига ўтиш жараёнида жиддий қараилиб, улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланди. «Ногиронларни ижтимоий химоялаш тўғрисида»-ги, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»-ги ва бошқа қатор қўнунларда аҳолини ижтимоий химоя қилиш асослари белгилаб қўйилди. Шу томонлама ўтган йили Хоразм вилоятда Президентимизнинг 308-қарорига асосан 1700 та кам таъминланган оила ҳимойлар кўмағида бепул қорамол билан таъминланди.

Айниқса, 1997 йилдан бун Президентимиз ташаббуси билан ҳар бир йилга рамзий ном берилиб, шу асосда оила ҳамда

аёллар масаласи, соғлом авлод тарбияси, маҳалла-ларимизни ободқилиш, қарияларни қадрлаш, оналик ва болаликни мўҳофаза этиш ва жамиятимизда меҳр-муруват, инсонпарварлик руҳининг кучайтирилиши борасида қилинаётган ишлар замирида умумий бир мезон мавжуд.

Мамлакатимизда 2007 йилнинг «Ижтимоий химоя йили» деб эълон қилиниши ҳам юритилаётган қўнун ижтимоий сиёсатнинг ифодасидир.

Дарҳақиқат, бугун биз турмушимизга назар ташлаб, буюқ ўзгаришлар юксак сўрьат касб этиб бораётганига гувоҳ бўлаёلمиз. Бунга Ўзбекистон Президентининг 2006 йил 12 декабрдаги «Ижтимоий химоя йили» давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»-ги фармойишида белгиланган эзгу ишлар кўлаמידан ҳам билса

бўлади.

Ушбу фармойишда «Меҳрибонлик» уйлари ва махсус мактаб-интернатларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, бокучисиз қолган болаларга эътиборни янада кучайтириш вазифалари ҳам кўрсатилган бўлиб, бу борада вилоят прокуратураси томонидан вилоят ҳўқўқининг ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда талай ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган йили вилоят прокуратураси маъмурияти ва ҳодимлари касабга уюшмаси кўмитасининг қўшма йиғилиши қарори билан вилоятдаги лицей ва коллежларда тахсил олаётган, тақдир тақозоси билан ота-онасидан жудо бўлган 165 нафар ўқувчи ва талабага маънавий ва ҳўқўқий ёрдам кўрсатиб бориш учун прокуратура ҳодимлари масўл этиб белгиланди. Уларнинг ҳар бири номига алоҳида пла-

стик карточка очилиб, «Мўҳофаза» газетаси ҳисобидан 10 минг сўмдан пул ўтказилди ва эгаларига топширилди. Бундан ташқари уларнинг барчаси 2007 йил учун «Мўҳофаза» газетасига тахририят ҳисобидан обуна қилинди. Шунингдек, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий мўҳофаза қилиш бош бўшқармаси томонидан меҳнат ярмаркаси ташкил этилиб, 17 нафар коллеж битирувчиси ўз ихтисослиги ва хоҳиши асосида ишга жойлаштирилди. Ҳўқўқини давом эттириши хохлаган битирувчиларга эса ўқув юртларига йўлланмалар берилди.

Мана шундай эзгу ишлар буйим ҳам кенг кўламада амалга оширилиши шубҳасиз.

Иброҳим ДАВЛЕТОВ,
Хоразм вилоят
прокурорининг биринчи
ўринбосари

ҲАРБИЙЛАР ҚОНУН ХИМОЯСИДА

Жануби-ғарбий алоҳида ҳарбий округ ҳарбий прокурори Анвар КЕНЖАЕВ билан сўхбат

— Анвар ака, ҳарбий соҳада ишлаш бугун аксарият ёшларимизнинг орзусидир. Бунинг мудатли ҳарбий хизматга таялов орқали қабул қилинаётганлиги ҳам тасдиқлаб турибди. Ҳарбий хизматни муваффақиятли ўтаб келган йигитларнинг маҳалла-қўйда ҳам обрўси баланд. Сабаби нимада деб ўйлайсиз?

— Дарҳақиқат, ҳарбий соҳа бугунги кунда йигитлар учун энг муносиб касбга айланди. Бу шарафли вазифани зиммага олиш учун жасорат керак деб ўйлайман. Яқиндаги мамлакатимизда Куролли кучларнинг 15 йиллиги кенг нишонланди. Давлатимиз раҳбари ушбу сана муносабати билан Ватан химоячиларига йўлаган бағрида ҳарбийлар олдида турган вазифаларни алоҳида санаб ўтди. Бу эса ҳарбийликни оруз қилган ёшлар ўз устида тинмай ишлашлари, изланишлари зарурлигини кўрсатиб турибди.

— Куролли кучларда қўнунчиликни мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар ҳамда фуқароларнинг ҳўқўқ ва эркинликларини таъминлаш борасида округ ҳарбий прокуратурасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Округ ҳарбий прокуратураси ҳодимлари қўнунлар ижросини таъ-

минлаш билан бирга ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий, сиёсий жиҳатдан етук бўлиши ҳамда чакирув мавсумларига ўтказилаётган таяловлар ҳолис ва адолатли бўлишига ҳам жиддий эътибор қаратишарди. Айниқса, шартнома асосидаги ҳарбий хизматга ҳар томонлама етук, фидойий ёшларнинг саралаб олинишига жиддий аҳамият берилмоқда. Чунки пухта тайёрланган, таяловдан муваффақият билан ўтган кадрлар миллий армиясининг салоҳиятини белгилайди.

Зиммамизда турган ўта муҳим масалалардан бири ҳарбий хизматчиларнинг ҳўқўқий онгини, дунёқарашини бойитишдир. Шу боис қўнунчилик тарғиботи билан биргаликда минтақамизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, уларнинг қайси йўналишда ривожланиб бораётганини инobatта олган ҳолда хавфсизлигимизга раҳна солиши мумкин бўлган хатарларни англаб олишларига кўмаклашишга ҳам эътибор қаратилмоқда.

— Ҳарбий хизматчиларга яратилаётган шароит, шунингдек, бу йўналишда округ ҳарбий прокуратураси олиб бораётган ишлар хўсусида тўхталсангиз.

— Тараққийотимизнинг белгиланган беш асосий тамойилидан

бири кучли ижтимоий сиёсатдир. Округ ҳарбий прокуратураси ҳодимлари назорат остидаги ҳарбий қисм ва муассасаларда ижтимоий химояга қаратилган қўнун ва қарорлар ижросини таъминлашга жиддий эътибор беришарди. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оиласига яратилаётган шароит, кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатининг янада яхшилланиши назорат қилиниб, бу борада йўл қўйилаётган қўнунбузилишлар бўйича ўз вақтида чоралар кўрилкоқда.

— Сизнингча, бугунги ҳарбий хизматчи қандай бўлиши керак?

— Энг аввало, ҳарбий хизматчи халқнинг, ватанини сиқидилдан севмоғи, яъни ватанпарвар бўлмоғи лозим. Ғурур ва ориятини ҳар нарсидан устун қўйган, қасамга содиқ, чидамли йигитлар бу соҳани таянчалари керак.

Президентимиз рисоласида кўрсатиб ўтганидек, «...армия сафларидоги ўғонларимиз нафақат жисмонан бақувват, энг замонавий ҳарбий техника ва технологияларнинг сир-асрорларини пухта эгаллаган бўлиши, аини вақтда юксак ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти, мустаҳкам иродаси, ўз халқига садоқати каби олижаноб хўсусияти ва фазилатлари билан ажралаиб туриши лозим».

Сўхбатдош:
Ҳафиза ЭҒАМБЕРДИЕВА

Душанба TV

Ҳафталик теледастурлар

2007-йil 1-mart, № 09 (530)

Моҳият

Ақлини ишлатган одам ақллидир. Бошқаларнинг ҳам ақлини ишлатган одам ундан-да ақллироқдир.

Али ибн Абу Толиб

5-mart, Dushanba

07.00, 18.00 «Премьера» (узб)
07.30, 10.40, 14.00, 16.30, 18.30, 20.50 Ўзбек навалари
08.00, 19.00 «Премьера» (рус)
08.30 «Сайилгоҳ»
08.45, 13.30, 15.45, 17.30 Мировые хиты
09.00 Серил «Охота на Изюбря»
7-сер.
10.00 «Сўнас орузлар»
11.00 Кино-SMS. Фильм победитель прошлой недели
15.00 Теленяня
19.30 Серил «Охота на Изюбря»
8-сер.
20.30 «Спецрепортаж»
22.00 Х/ф «Миллионер по нөлөлө»
00.00 Миксер

6-mart, Seshanba

07.00, 13.30, 18.00 Марказ NEWS (узб.)
07.10, 10.30, 13.40, 16.30, 17.45, 18.10, 20.25 Ўзбек навалари
08.00, 14.30, 19.00 Марказ NEWS (рус.)
08.10, 13.00, 14.40, 15.45,

7-mart, Chorshanba

07.00, 13.30, 18.00 Марказ NEWS (узб.)
07.10, 10.30, 14.10, 16.15, 18.10, 20.10 Ўзбек навалари
07.30 «Премьера» (рус)
08.00, 14.30, 19.00 Марказ NEWS (рус.)
08.10 «Навбат» Рашид Холиқов билан
Мировые хиты
10.00, 14.40, 15.45, 17.30, 17.45, 18.40, 21.30 Мировые хиты
09.00 Серил «Охота на Изюбря»
9-сер.
11.00 Х/ф «Сириана»

8-mart, Payshanba

07.00, 13.30, 18.00 Марказ NEWS (узб.)
07.10, 08.25, 10.30, 16.00, 18.30 Ўзбек навалари
08.00, 14.30, 19.00 Марказ NEWS (рус.)
08.10 «Сайилгоҳ»
09.00 Серил «Охота на Изюбря»
10-сер.
10.00, 14.50, 15.45, 17.30, 11.00 «Аразланган ўламан» видеофильм
13.00 Феруза Жуманизова концерти
15.00 Теленяня

TV МАРКАЗ канали ҳафталик дастури

13.40 «Юлдузли пайшанба»
15.00 Теленяня
16.00 «Сайилгоҳ»
19.10 Серил «Охота на Изюбря»
10-сер.
21.00 «Миссия неповторима»
22.00 Киноколлекция «Таинственная река»
00.40 Миксер

9-mart, Juma

07.00, 13.30, 18.00 Марказ NEWS (узб.)
07.10, 10.00, 13.40, 16.00, 18.40, 20.50, 21.45 Ўзбек навалари
08.00, 14.30, 19.00 Марказ NEWS (рус.)
08.10 «Топ-20»
09.00 Серил «Охота на Изюбря»
11-сер.
11.00 «Слишком красивая для тебя» худ.фильм

10-mart, Shanba

07.00, 13.30, 18.00 Марказ NEWS (узб.)
07.10, 09.00, 09.45, 13.20, 17.00, 18.10, 21.40 Ўзбек навалари
08.00, 19.00 Марказ NEWS (рус.)
08.10, 14.30, 16.20 Мировые хиты
09.30 «Сайилгоҳ»
11.00 Х/ф «Мексиканец»
14.00 «Премьера» (узб)
15.00 Теленяня
16.30 «Судьбы-Таксилар»
19.10 Феруза Жуманизова кон-

11-mart, Yakshanba

07.00, 18.00 Марказ NEWS (узб.)
07.10, 08.10, 14.00, 16.20, 17.00, 18.10, 18.45, 20.00 Ўзбек навалари
08.00, 19.00 Марказ NEWS (рус.)
09.30, 10.40, 19.10 Мировые хиты
10.00 «Сўнас орузлар»
11.00 Б/ф «Калбимини сенга бердим»
15.00 Теленяня
16.30 «Премьера» (рус)
17.30 «Юлдузли пайшанба»
18.30 «Сайилгоҳ»
21.00 «Топ-20»
21.45 Мировые хиты
22.00 Кино-SMS:
1. «Столкновение»
2. «Только после Вас»
3. «Микс»
00.00 Миксер

5-mart, Dushanba

12.00, 13.40, 15.35 «Клип-минутка»
12.20 «Ералаш»
12.40 М/ф «Три мушкетёра»
14.05 Сказка «Кани XVIII»
16.55 М/ф «Необычайные приключения Улисса и Громи-та»
16.25, 18.35 «Музыкальная дорожка»
17.05 Х/ф «Принц Вальент»
19.15 Х/ф «Азартные игры»
20.55 «Музыкальная дорожка»
21.35 Х/ф «Алая буква»

6-mart, Seshanba

12.00, 13.20, 15.15 «Клип-минутка»
12.20 «Ералаш»
12.40 М/ф «Пропавшая грамота»
13.40 Х/ф «Матильда»
15.35 М/ф «Мальчи и Карлсон» 1-я серия
15.55, 18.00 «Музыкальная дорожка»
16.35 Х/ф «Утраченное сокровище»
18.40 Х/ф «Сейф»
20.10 «Музыкальная дорожка»
20.50 Х/ф «Зелёная миля»

КАМАЛАК канали ҳафталик дастури

12.00, 14.00, 15.45 «Клип-минутка»
12.20 «Ералаш»
12.40 М/ф «Полудневная братва»
14.20 Сказка «Принцесса на горошине»
16.05 М/ф «Мальчи и Карлсон»
16.25, 18.35, 20.40 «Музыкальная дорожка»
17.05 Х/ф «В прокат с водителем»
19.15 Детектив «Англичанин»
21.20 Х/ф «Заплата другому»

10-mart, Shanba

10.00, 11.55 «Клип-минутка»
10.20 «Ералаш»
10.40 М/ф «Кинга джуглей-2»
12.15 М/ф «Мальчи в Париже»
13.35, 15.10 Рейтинговый фильм
15.00 М/ф «Дом, который построил Джек»
16.35, 18.50, 21.05 «Музыкальная дорожка»
17.15 Х/ф «Анализатор то-то»
19.30 Х/ф «Убойная парочка Старки и Хатч»
21.45 Х/ф «Нет такого зверя»

11-mart, Yakshanba

10.00, 11.55 «Клип-минутка»
10.20, 14.35 «Ералаш»
10.40 М/ф «Хрусталик и пингвин»
12.15 Сказка «По щучьему велению»
13.10, 14.55 Рейтинговый фильм
16.25, 18.45, 20.55 «Музыкальная дорожка»
17.05 Х/ф «Киллер»
18.25 Комедия «Планиши»
21.35 Видеобитва:
1. «Игры разума»
2. «11 друзей Оушена»
3. «Звонки 2»

O'ZBEKISTON

Хурматли телетомошабинлар! Профилатлика муносабати билан душанба 5 март кун «O'zbekiston» телерадиоканали уз кўрсатувларини соат 14.55дан бошлайд.

14.55 Кўрсатувлар дастури.
15.00 «Тахилнома»
15.45, 17.10, 19.10, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
15.50 «Шахсий фикр»
16.30 «Наврўз оханглари»
«Болалар сайраси»:
16.40 «Эртақлар - яшилдиқа етаклар»
17.00, 21.00 «Ахборот»
17.15 Олтин марсор.
17.20 «Ортин бўйлақ» дастури: «Ўзбекистон маданияти, урф-одатлари ва аънавлари»
17.50 «Хайтимиз қомуси»
18.10 «Оханглар оғушида»
18.20 «Мен тугилган юрт». 1-қисм.
18.40 Т/с «Оушн»
19.15 «Молия ва банк хабарлари»
19.20, 20.50 Дунё иқлими.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.

7-mart, Chorshanba

12.00, 13.20, 15.15 «Клип-минутка»
12.20 «Ералаш»
08.00 Х/ф «Однажды и Хемптон» 2 с. 09.30 Х/ф «По следам Бременских музыкантов» 09.55 М/с «Радужная рыбка» 10.20 М/с «Смешарики» 10.30 М/с «Просто Норман» 11:00 Улица Сезам 11:30 М/с «Секретные материалы шоу-шпионов» 12:00 «Самый умный». 14:00 «Жизнь прекрасна» 16:00 «Снимите это немедленно!» 17:00 Д/ф «Мать и дочь» 18:00 «Истории в деталях». Специальный выпуск 18:30 «6 кадров». Юмористическое скетч-шоу 19:10 Х/ф «Иван Подушкин. Дженгельмен сыска - 2» Ф 1 «13 несчастный Геральд» 23:00 Х/ф «Трудный ребенок - 2» 00:50 «Слава Богу, ты пришел!» 02:10 «Кино в деталях» 03:15 Х/ф «Женщины с обложки» 05:05 Х/ф «Магия» 06:40 Музыка на СТС

РОССИЯ


06.00 Комедия «Дамы приглашают кавалеров» 07.30 «Студия Здоровье» 08.00, 11.00, 14.00 Вести.



05.30 Комедия «Мама, не горюй! 2». 07.20 М/ф «Аленький цветочек». 08.00, 10.00, 13.00, 16.00 «Сегодня». 08.15 Лотерея «Русское лото». 08.40 «Дикий мир». 09.15 «Их нравы».



07.00 М/ф «Про бегемота, который боялся привок». 07.25 М/с «Приключения Рекса». 08.40, 01.00 «Наши песни». 09.00, 19.00 Т/с «Саша+Маша». 09.30 «Такси» в Питере. 10.00 Комедия «Детсадовский полицейский». (США).



08.00 М/ф. 08.30 Жизнь, полная радости. 09.00 Российские мультфильмы. 11.15 Х/ф «Жандарм на отдыхе». (Франция). 13.15 Х/ф «Жандарм и инопланетяне». (Франция). 15.15 Х/ф «Мимино». 17.30 Х/ф «Приговор». (Канада). 20.00 Киномания.

Фарзандингиз сизга ким?



Хар бир оила борки, у тузилмасдан туриб, йигит ва киз фарзанд ҳақида ўйлайди. Ўғил ўйлантирган она икки-уч ой ўтмай келинининг юзига зимдан термулади. Наҳш олмадек юзларига доғ тушса ўзинча хурсанд бўлади.

Фарзандингиз қобил, солиҳ бўлиб етишса, кўлингиздан ишингизни олса, кексайганингизда меҳрибонлик кўрсатса нур устига нур. Эсини таниганидан хурмача қилдиқлар чиқарса, имкони йўқ нарсаларни талаб қилса, қарганингизда бошингизда ёнғоқ чакиб, тугилганингизга пушаймон қилса-чи? Худо сақласин. Ўғил қизингиз келажақда ким бўлиб етишиши ўзингизга, уни қандай тарбиялашингизга боғлиқ. Бу борада халқимиз жуда улкан тажрибага эга. Эртақ, мақол, ҳикоя, достон, кўрсатув — нимаки бўлса тарбиявий аҳамиятга эга. Ким билан галлашсанг, яхши бўл дейди. Лекин нимагадир яхшилар тобора камайиб кетаётганга ўхшайди.

эмас ади. Эмаса ҳам майли, еётганларнинг устидан қулиб ўтирарди.

Хотамтойлиги тутган пайтларда битта-яримта ошналарга мактабдан четда сомсами ёки бирон яхшироқ ошхонадан тузукроқ овқатни олиб беради. Чўнтагида доим 1 сўмдан 3 сўмгача пул бўларди-да. Кўнчилик унга ҳавас қиларди. Лекин кейинчалик синфдошлар орасидан энг ношуд одам шу бўлиб етишди. Мактабни битирди-ю, умр бўйи бир жойда ёлчилик ишламади. Отаси ўйлантирди, уй-жой қилиб берди. Аммо Турсун олдин отасининг, кейин отасининг қаддини бўкиб, адоқлиди. Оила барбод, умрлар ҳазон бўлди.

Болани талтайтириш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди. Эътибор берган бўлсангиз, баъзилар бола-сига ўлиб кетган отаси ёки онасининг исмини қўяди. Ота-она хотирасини қадрлаш эзгу иш. Бирок «отамга қаттиқ гапирма», «онам-да бу» деб эркалатишлар фарзанднинг талтайтириш, қуноққондан чиқиб кетишига олиб келмайди?

Абдусалом ака ўғли Саломни эркалатиб шу кўйга солди. Танишлар у ҳақда афсус билан шундай мугъойиба қилишарди: Саломнинг оёғи ер кўрмади. Тугилганда онаси кўтарди, сал улгайган қолжақда юрди. Сал каттариб уч оёқли, кейинроқ икки оёқли, сўнг моторли велосипед минди. Мактабга мотоциклда борди, вақтида машина ҳайдади, охириги манзилга уни одамлар кўтариб олиб бориб қўйишди. Саломбой дунёга келиб ҳеч бир иш қилмади. Отаси-

нинг топангани еди, совурди ва кетди.

Абдусалом ака ҳали ҳам бор. Уйининг орқасидаги ўриндиқда ўпанкетганга мунгли қараб ўтирарди. Лекин ёлғиз фарзанд ичкилик тўғрисида аллаҳа азиз, турвада майиз қилиб эъзоланган отасини ҳам кутмай, чин дунёга ўтиб кетди...

Ана шундай отасининг «ота»си бўлган бир танишнинг охир-оқибат бир чеким оғу учун отасини урди. Маҳалла-қўй, таниш-билиш уни ба йўлдан қайтариш пайида бўлди, на-тижа чиқмади.

Орадан йиллар ўтиб бир учрашдик, буйчан ва келишган йигитдан фақат соя қолгандай. Баданда, сўл, кўзларда нур йўқ.

— Биз-ку соб бўлдик, — деди у. — Лекин ўғилларим зур. Иккаласи ҳам чемпион. Бири боксдан, бири каратэдан. «Любий»ни тинчитади...

— Шўринг қурибди, — дедим мен. — Ахир сен бир вақтлар отангни урган эдинг. Бокс бўйича ҳам, каратэ бўйича ҳам чемпион эмассинг. «Отанга хас отсанг, бир кун фарзандинг сенга таш отмоғи мумкин» дейишган. Эҳтиёт бўл. Қайтар дунё бу...

Ўқорида ҳикоя қилинган эркатойларнинг ҳаммаси ҳам жамиятда ўз ўрнини топа олмади, ҳаёт қийинчиликларига бардош беролмади, ичкилибозлик, гивёхандлик касалига гирифтор бўлди. Бир неча бор ўтириб чиқди. Сиз уларни танийсиз. Улар сиз билан бизнинг орамызда. Фақат эътибор қилинг, ҳулоса чикаринг! Чунки улар мен ҳамма нарса қилишим мумкин деган фикрга эга. Шунга кўниққан, кўниқтиришган.

Донишманд ҳалқимиз айтди: фарзанднинг туғилса, етти йил унга кул бўл, етти йил у сenga кул бўлсин. Сўнг бир умр дўст бўл.

Азиз ота-оналар! Саволга ўйлаб, мушоҳада қилиб жавоб беринг-чи, ўғил-қизингизнинг тарбиясидан қўнглингиз тўқми? Тарбияни тўри бера оляйсизми ёки, тўғрироғи, фарзандингиз ҳозир сизга ким?

Муҳиддин АБДУРАҲМОНОВ, журналист

Донишманддан сўрашибди:

— Фарзандимизни қачондан тарбиялаб бошласан бўлади?

Донишманд сўрабди:

— Фарзандингиз туғилганига қанча бўлди?

— Олти ой.

— Олти ой кечикибсизлар, — деб донишманд.

Тарбия масаласида ақл ўргатмоқчи эмасман. Лекин бола тарбиясиз бўлишининг биринчи сабаби эркалатиш эмасми? Тўғри, фарзанд азиз. Меҳрингиз қанча товланса арийдди. Бирок ҳар нарса мейёрида бўлгани яхши.

Бир кунки кўшимиз куюниб қолди: боқам етти маҳалла нарида туради. Лекин ўғлини маҳалламиздаги мактабда ўқитади. Бизнинг мактаб европаликлар билан аралаш дарс ўти-

гани учун замонавий эмиш. Машинада олиб келиб, машинада олиб кетишдан эринмайди. Ўзининг вақти бўлмаса ўғил таксиди келиб, таксиди кетади. Чўнтаги тўла пул, ҳар танафусда музқаймоқ, шоколад олиб ермиш. Бўласининг тарбиясига ёмон таъсир қилаяпти. Боло-да, кўнгли ўқийди. Мен пиёда бўлсам, топшим ўзимга яраша. Бегона бўлиб, танимаганида ҳам майли ади...

Фарзандини мактабга машинада олиб борса нима бўпти, илоҳи бор боради-да дейишингиз мумкин. Лекин бу ўқувчилар орасида носоғлом муҳитни юзага келтириши бор гап. Бўна оёғи узанганда бўлган ҳар бир ота-она тўғри тушуниши лозим.

Ўтган асрнинг еттишинчи йилларида биз билан вилотий раҳбарининг қизи ўқиган. Ўзига нисбатан анча катта сумқасини кўтариб, мактабга

пиёда келарди. Тўғрироғи, узоқ вақтга биз шундай деб ўйлаб юрганмиз. Вилотиянинг биринчи одамининг камтар қизига хурматимиз бўлакча эди. Аслида у ҳамма вақт «Волга»да келган, лекин ҳайдовчи машинани кўп қаватли уйлар орасидан ҳайдаб, қўздан пана жойда уни тушириб кетаркан. Сир очилганидан кейин ҳам унга бўлган меҳримиз ортса ордики, камаймади.

Мактабда у ўзига ортиқча эътибор қўлишларини хушламас, мактаб ошхонасидан овқат ер, энг одми кийнаар, қишлоқ қизлари билан дўгона тутинар эди. Ўқиб юрган келардида ҳамма катта танафусда овқатланиш учун 20 тийин олиб борарди. 20 тийинга овқат, нон, компот бериларди. Ҳамма шунга қаноат қиларди. Лекин синфдошимиз Турсун мактаб ошхонасининг овқатини

гап айтолмас, итнинг эгаси эса уни «дикий»дан олиб «варвар»га соларди.

Чидай олмадим, аралашдим. Аёлга ноҳақ эканлиги-ю, итни жамоат жойида занжирсиз ва тумшукбоғсиз олиб юриш мумкин эмаслигини тушутиришга ҳаракат қилиб қўрдим. Тушунишимни, эшитишимни истамайди. «Итми тишлагани йўқ-ку» деган гапни тасдиқлаётди. «Хўп, тишлаганида нима бўларди» десам, «итим тоза зотли немис овчаркаси, «фас»демасам тишламайди» дейди. Нима дегаримни билмай «унда паспортини кўрсатинг-чи» дегандим, лом-мим дейламан қолди...

Тахририятимизга шахримизнинг Ҳамаза туманида яшовчи бир муштирап она шижоят билан келган эди. Унинг беш ёшли қизчасини қўшинисининг стаффорд зотли ити талаб ташлаган. Шўрлик қизалок қаттиқ қўрқандан қучли изтироб таъсиридан ҳалигача қутулмаган бир пайтда айбдор, яъни, итнинг эгаси арзимас жарима билан қутулиб кетган. Сабаби ўша, ит эгаси «фас!» дегаман, тамом.

мансабдор шахсларга эса иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик фуқароларнинг соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етишига олиб келса, фуқароларга энг камши ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса бир бараваридан икки



жинсидадан қатъи назар, уч ойлик вақтидан бошлаб рўйхатдан ўтказиши шарт. Бунинг учун бир ҳафта муддат ҳам белгиланган. Ит боққан одам ҳар йили итнинг ветеринария муассасасидан қайта рўйхатдан ўтказиш туриши, бу ҳақда гувоҳнома ва рўйхат белгисига эга бўлиши, ана шу рўйхат белгиси итнинг бўйинбоғига тақиб қўйилиши шарт. Лекин кўп қаватли уйларда алламбало «жангари» зотли ит боқатган ҳамшаҳарларимизнинг ҳаммаси ҳам бу қоидаларни билармикан? Уларни ким назорат қилаяпти?

Яна бир эътиборли жиҳат, қоидага кўра ит эгаси итнинг кўчага қисқа тасмада ва тумшукбоғда, бўйнида рақам белгиси билан (уч ойликча бўлган кучуқлардан ташқари) олиб чиқishi керак. Итти сайр қилдиришга фақатгина шу мақсад учун ажратилган майдончада рухсат этилади. Ана шундай майдончада атрофи ўраб олинган бўлсагина (!) итни тасмасиз ва тумшукбоғсиз сайр қилдиришга рухсат берилган. Бундай майдонча бўлмаган тақдирда эса ҳоқимият белгиланган ободонлаштирилмаган ва бошқа жойларда сайр қилдириш мумкин.

Агар астойдил қидирсак, кўчаларда қоидада айтилганидай қисқа тасмада ва тумшукбоғда сайрга олиб чиқилган итларни ҳам учратиш мумкин. Аммо улар ҳам қоидада кўрсатилганидек, махсус ажратилган майдончада эмас, айнан ободонлаштирилган, кўчаларда рухсат берилган жойларда сайр қилишни «қуш қўришади».

Ўёк қўрқам арчалар, тўшалган «газон» фақат учун.

Қоидаларда яна бир нарсага эътибор қаратилган: итларнинг болалар майдончалари, дўконлар, ошхоналар, жамоат транспорти ва бошқа умумфойдаланадиган жойларда бўлишга йўл қўйилмаслиғи шарт. Болалар майдончалари, дўконларни қўйиб туройлик-да, жамоат транспортига эътибор қилиб қўрайлик. Эҳтимол, ошириб юбораётгандирман, лекин метрополитендан бошқа жамоат транспортида итларни учратишга одатланиб қолганмиз. На ҳайдовчи, на қондуктор ва на бирон йўловчи ит етказлаб чиққан одамга «бу транспорт итларга эмас, одамларга хизмат кўрсатади» деб бир оғиз айтмайди.

Эҳтимол, буларнинг бари ҳуқуқий маданиятимизга бориб тақалар, балки ўша қадрдон андишадир, билмадим.

(Давоми келгуси сонда).

Шавкат ЁДГОРОВ, «Huquq» мухбири

Шаҳардаги йиртқичлар

биринчи ўй шу бўлди. Хайриятки, тишламабди. Болалар олдига ит югуриб чиққанида кўржиб қолишган экан. Йигит, яъни, ўша икки боланинг отаси қўлидаги совбонини сармаб, сўкинган кўйи итни кува бошлади.

Қараб, томошабин бўлиб турадиган манзара эмас эди: алам устидаги ота итни қувар, кўржиб кетганидан йиғлашганим билмай қолган норасидалар — бири беш ёшлардаги, иккинчиси уч ёшлардаги икки бола отасининг орқасидан чопарди.

Чидай олмадим, болаларни қўлидан тутиб овувган бўлдим. Бўни қўриб болаларнинг отаси ҳам изига қайтди. Ҳеч ўзини босиб ололмаётган йигит эса тинмай сўқнардди. Унинг ахволини итнинг турардим.

Энди итни эгаси кува бошлади, эркатойига дакки бериш учун эмас, бўйнага занжир солиш учун.

Халиям жаҳлидан тушолмаётган йигит эса тош олиб итни мулжалга олди. Бўни кўрган аёл ҳайҳайлаганча йиғитга рўбарў келди. Ўртада айтишув бошланди. Йигит рус тилига йўроқ эканими ёки қучли стресс таъсириданими, жўяли

Шижоят юзасидан журналист текшируви ўтказиш менга топширилган эди. Калаваннинг учини топишга қўриб етмади, тегишли идорага берган сўров хатим эса жавобсиз қолди. Телефон орқали «шу фавани деб жавобгар айбсиз айбдор бўлиб ишдан бўшашга ариза берди, даввогар яна нима истайдим» деган жавоб олганимдан кейин суриштирувни тўхтатган эдим. Лекин барибир ўша қизалокни эсласам, ўзимни айбдордай санайман.

Бундай воқеа, худо сақласин-у, ҳар биримиз, ҳар биримизнинг мактабга, боғчага бераётган фарзандимиз билан ҳам бўлиши мумкин. Нега бекфарқмиз? Қачонгача кимларнингдир «хобби»си деб бошқалар юрак ҳовуқлаб юриши керак?

Умуман, бу масалада бош қотирадиган, назорат олиб борадиган идора борми?

бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бу дегани, агар қўшингизнинг «питбули» болдиригиздан бир парча гўштни «ўзлаштириб» олса, ташвишланманг, қўшингиз тахминан ўн икки минг тўрт юз сўм жарима тўлайди.

МЖТКга биноан ит боқиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик дейилганда жамоат тартибини бузиш ва турар-жой фондининг санитария-гигиена ҳолатига салбий таъсир кўрсатиш тушунилади.

Қоидага кўра ит эгаси атрофдагиларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш чораларини қўриши шарт. Савол туғилади, охириги бир йил ичиди айнан шу модда бўйича неча маъмурий чора қўрилган?

Уй ҳайвонлари, жумладан, ит боқиш қоида-си Вазирилар Маҳкамасининг 1996 йил 18 январдаги 32-қарори билан тартибга солинади. Ҳўш, бу қарор ижроси қандай?

Санитария-гигиена масалаларини қўйиб туройлик, бу аввало, ҳар кимнинг ўзига ҳавола. Бизни кўпроқ бошқа жиҳатлар қизиқтиради.

Ана шу қоидаларда ит эгаси итни, зоти ва

(Давоми. Бошланган ўтган сонда).
Буни ўзича тушушдан киракаш:
— Хизмат бўлса айтган жойин-
гизга вақтида етиб бораман, ака, —
деди.

— Унда эртага соат тўққизда шу
ерда кўришайлик. Битмаган ишлар
бор хали, — деди Исмат ўлжа ту-
зоққа илинаётганидан хурсанд
бўлиб.

— Келишдик.
Эртасига айтилган вақтда уч-
рашдилар. Исмат киракашга «ТТЗга
хайдан» деди. Етиб келишгач
«хозир» деганча гўё иши бор одам-
дай беш-ўн дақиқа кўп қаватли уй-
лар орасида кўринмай кетди. Қай-
тиб келгач, «танишим хозир чиқар
экан, бироз кутамиз» дея ўзини
ўриндиққа ташлади. Бу ишора эди.

Алфред ёнидаги салонан па-
кетдан ширинкулча ва уч дона «Тип-
топ» шарбатини чиқарди.

— Эрталаб шошилганимдан но-
нуштаям қилолмаганим, — дея
олдин ширинкулчадан, сўнг шар-
батдан битта-битта шерикларига
узатди. Турган гапки, шприц ёрда-
мида «клофелин» аралаштирилган
«Тип-топ»ни «Матиз» эгасига узат-
ган эди.

Бироз ўтиб хайдовчи уйкуга кет-
ди. Алфред унинг ёнидан машинага
тегишли хужжатларни олиб Исма-
тга узатди. Исмат Ботир акасининг
олдига жўнади.

Акаси машина хужжатларини
кўриб-ю қандай ишга аралашиб қол-
ганини тушуниди. Лекин индамади.
Хужжатлардан нусха олиб, уларни
сохталаштиришга киришган бир
пайтда машинанинг кредитга олин-
гани, уни қалбаки хужжат билан ҳам
сотиб мушкулганини билиб қолди.

Исмат «Матиз» турган жойга
кайтиди.

Хужжатларни машина ичига таш-
лаб, «клофелин» таъсирида ҳамон
ухлаб ётган хайдовчининг чўнтаги-
даги бор пулини олиб жўнаб қолиш-
ди.

**Тўртинчи эпизод:
«ТУРҲУҚХОНАГА ХАЙДАГ!»**
Биринчи уриниш муваффақият-
сиз тугаган бўлса-да, Исмат яна
шу усулни қўллашга қарор қилди.
Икковал «Кўйлик» бозори ақини-
даги машиналар турган жойда так-
сичиларни обдон кузатишди. Улар
яна оппоқ «Матиз»ни мўлжалга
олишди.

Алфред «Матиз» эгаси, ўттиз
ёшлардаги йигит билан бироз сав-
долашган бўлиб, уни гўё турғуқхо-

надаги сингисини олиб Тўйтепага
кўйиб келишга кўндирди.

Турғуқхона олдида етиб келиш-
гач, ичкарига кириб чиқиб «озроқ
кутамиз» дея ёнидан «клофелин»ли
«Тип-топ»ни чиқарди...

Киракаш уйкуга кетиши билан
уларни изма-из кузатиб келган Ис-
матга хайдовчининг бор хужжат-
ларини олиб берди.

Исмат ўтган галги хатони так-
рорлашмаслик учун хужжатларни бир
сира кўздан кечирди. Курсаки, тех-
паспортда «временный» деган ёзув
бор. Демак, бу «Матиз» ҳам кре-
дитга олинган, уни сотиб юбориш-
нинг иложи йўқ.


Вазиятни гап уқмас Алфредга
тушутиргунча киракаш уйғона бош-
лади. Шошиб қолган жиноятчилар
машинадаги қўлига илинган нарса-
ларни, хайдовчининг чўнтагидаги
пулларни, қўл телефонини олиб жуф-

Нимандир баҳона
қилиб Исматнинг олди-
га борган Алфред «Бу-
қадай бақувват экан,
дори таъсир қилмаяпти»
деди.

— Унда секин қочиб
қолайлик, — Исматнинг
айтган гапи шу бўлди.

— Шунча овора
бўлганимга яраша қуруқ
кетмайман. Қийшай
бошласа бас, «Нокиа»
телефонига кўнглим кет-
ди, ўшани олиб қоч-
ман.

Шундай ҳам бўлди,
клофелин таъсирида
ланж бўлиб қолган ки-
ракаш йигитнинг теле-
фони, ҳамёнидаги пул-
ларини тортиб олди-ю
қочиб қолди.



ЖИНОЙИЙ ТУРҲУҚХОНАГА ТУГАТИЛИШИ

такни ростлашди.

Энг ачинарлиси: бу сафар Исмат
жиноятга воғта етмаган ўгли Азизни
ҳам жалб этган эди.

**Бешинчи эпизод:
«ДОРИ ТАЪСИР ҚИЛМАДИ...»**
Иккита уриниш ҳам бесамар кет-
гач, Алфред бўйин товлай бошлади.
Аммо Исматнинг гапидан чиқолма-
ди. Начора, «кемага тулганининг жони
бир».

Бу сафар ҳам «операция» олдин-
ги сценарий бўйича бошланди. Фақ-
ат манзиллар бироз ўзгарди: бу
сафар Алфреднинг онасини «Рес-
публика жарроҳлик маркази»дан
Янгийўлга олиб кетиш керак эди.

Аммо кулранг «Матиз» эгаси «Тип-
топ»ни томи қолдирмай симириган
бўлса-да ухлай демасди.

Одатдагидай четдан туриб вази-
ятни кузатиб турган Исматнинг са-
бри тугади. Машина ичиде киракаш
билан турғуқлашганча гўё онасини
кутиб турган Алфредга «нима гап»
дегандай ишора қилади.

**Олтинчи эпизод:
«ЭНДИ НАВБАТ «НЕХИА»ГА**

Жинойий турғуқхонани ури-нишлари хар
сафар натижасиз якулланаётгани-
дан энди Исматнинг ҳам ҳафсаласи
пир бўла бошлади.

Аммо бироз танаффусдан сўнг у
Алфредни излаб топди.

Алфред эса уни эшитишни ҳам
истамади:

— Яна «Тип-топ» ўйиними?
Кўйсанг-чи, Исмат, бошқа иш топай-
лик. Кўрдинг-ку, бекорга овора бўл-
ганимиз қоляпти.

— Яна бир уриниб кўрайлик, кўра-
сан, бу сафар омадимиз келади.
Аҳмоқ бўлиб «Матиз»га осилиб юр-
ган эканмиз. Энди «Нехиа» овалаймиз.
Дорининг ҳам қўлисидан тоқдим.

— Яна эски усулни қўллаймизми?

Ҳеч нарсадан шубҳаланмаган
«Нехиа» эгаси «Тип-топ»ни симириган
кўйи уйкуга кетди.

Машина хужжатларини қўлга ки-
ритган Исмат ишга киришди. Аввал
хужжатлардан нусха кўчириб, сўнг
ўзи билан олиб юрган қалбаки штамп
ва нотариус муҳрини босди ва гўё бу
автоматинани Алфред сотиб олган-
ни ҳақида сохта хужжат тайёрлашга
улгурди. Бунда унга хотини Нозима-
нинг ҳам ёрдами теғди. Нозима бу
хужжатта сохта ёзувлар киритди ва
имзолар қўйиб берди.

Ҳаммаси осонгина ҳал бўлгани-
дан Исматнинг қувончи ичига сиғмай
шериклари олдига қайтди. Аммо унинг
қувончи узоққа қўзилмади: шерикла-
ри Алфред ва Азиз ишни бузиб
қўйишди. Исматнинг ҳаяллаганидан
хавотирга тушиб, босқинчиликка ўтиб
кетишди ва уйкудаги хайдовчининг
чўнтақларини, машина салонини «то-
залаб» жуфтакни ростлаб қолишди.

**Охириги эпизод:
«ҚОТЛАД...»**

«Нехиа» операцияси барбод бўл-
гани учун Алфред ва Азиз Исматдан
яхшигина сўкиш эшитишди. Улар энди
бундай «хатон»ни такрорлашмаслика
сўз беришгач, навбатдаги иш режа-
сини тузиб чиқишди.

Эртаси куни улар яна эски усулни
қўллаб «Матиз» эгасини ТТЗ бозори
олдида олиб келишди. Клофелин ара-
лаштирилган «Тип-топ» шарбатини
ичган хайдовчи уйкуга кетгач, уни
орқа ўриндиққа ётқизиб, ҳамза ту-
мани ҳудудидан оқиб ўтувчи «Исси-
қариқ» бўйига келишди. Бутунлай вақ-
сийлашган жиноятчилар бехуз ёт-
ган хайдовчининг ариқча ташлаб жо-
риштириб мижоз кутиб турган «Нехиа»
эгасини Сирғалидан оиласини олиб
Оққўрғонга олиб боришга кўндирди.

Сирғалидаги кўп қаватли уйлар
олдида келиб тўхтаганларида Алф-
ред «югуриб чиқиб уларни қақириб
туш» дея Азизни жўнатди. Азиз ҳам
гўё кимнидир қақириб келадиган
одамдай дўч келган уйнинг подьез-
дига кириб кетди. Бироздан кейин
қайтиб келиб, «ярами соатда чиқсар
экан» дегандай гап қилди.

Шу алфозда бироз ўтиришгач,
Алфред ёнидан пул чиқариб «чақ-
қим, анави дўқондан ичишга бирон
ним олиб кел» дея Азизга узатди.

Бу пайтда уларнинг ортидан изма-
из етиб келган Исмат нарироқда қўли-
да «Тип-топ» шарбатлари билан улар-
ни кузатиб турган эди. Одатдагидай
унинг қўлидаги шарбатлардан бирига
клофелин аралаштирилган эди.

**Турсулони ИБРАГИМОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси
бўлим прокурори**

**Бу жиноят ҳақида эшитанлар ёқа ушлаб қолдилар. Негаки, бутун ҳаёти-
ни ёшлар тарбиясига бағишлаган Қултой домланинг ўгли бу разилликни
содир этганига ақл бовар қилмайди. Уни нима жин урди экан?**

**— Жин-пин урган эмас. Пўлатни ичкилик шу қўйга солган. Бўлмаса, ўзи
ҳам, хотини Саттарова Барно ҳам ўқитувчи. Қултой
домла ўз ишининг давомчилари сифатида уларни қанчалик
ардоқларди. Ўқитувчиси шундай ишга кўл урса, улар тарбия
бераётган ёшлардан нимани кутиш мумкин?**

**— Табба дейиш керак-у. Қултой домланинг ниятлари сароб
бўлиб чикди. Агар у бетоб бўлиб ётиб қолганида бу сингари
оилавий ноаҳиллик ва фожеа рўй бермаган бўларди.**

ОЛОВ БУЛИБ ЁНДИ ОҚИБАТ...



Қумқўрғонлик фуқароларнинг бу гаплари
бекиз айтилмаган. Чунки улар бутун умрини
ёшлар тарбиясига бағишлаган Қултой Нормат-
тов ва унинг оила аъзоларини яхши биларди.
Шу ваддан кўнглимган бу фожеа уларни лол
қолдиргани рост. Дарове, Қултой Норматов
туманда халқ таълимини ривожлантиришга
бекуйс хисса қўлган. Уруш қатнашчиси. У қариб
қирқ йил мақтаб директори лавозимда ишлаб,
минглаб шогирдлар етиштирди. Эл-юртнинг
ҳурматига сазовор бўлди. Узок йиллар давом
этган машаққатли меҳнат муаллимни чарчатди
— тушака михлаб қўйди. Бетоблиги боис бола
тарбияси-ю, оила юмушларидан четда қолди.

Ҳаммаша падари бузруквори измида ёнма-ён
истиқомат қилаётган уч ўғил ўртасида ота бе-
тобланидан сўнг уй-жой, рўзгор муаммолари
туфайли баъзи келишмовчиликлар юзга кела
бошлади. Арзиманган сабабларга кўра юз бе-
радиган дилсўзликлар боис ака-укалар, ке-
линган ўртасидаги меҳр ришталари тобора
ингичкалашиб борарди. Ҳатто улар болалар-

нинг бебошлиги туфайли юз берадиган оддий
ҳовлатларга ҳам жиғдий тус берадиган бўлиб
қолишди. «Мен сендан камми?», «У ким бўпти
ўзи?», «Кўл учиде кун кўради» деган гаплар
ёқланашиб қолди. Айниқса, бу нохуш ҳолат ўртан-
ча ўғил Пўлат ва кенжа ўғил Норбойнинг оиласи
ўртасида анча томир оттанди.

Бу галги жанжал ҳам болаларнинг бегараз
ўғилни туфайли юз берди. 2006 йил 25 май куни
соат 16 ларда Норбойнинг фарзандлари ховли-
да уйнаб даракт барглари ни туширганлиги учун
Пўлатнинг турмуш ўртоғи Саттарова Барно
уларга танбех берди. Буни эшитиб Норбой
янғасига ўдағайлади:

— Ҳей, нима деяпсан?

— Буни қаранг, хозиргина сулуриб қўйган
жойимни қай аҳволга солишибди, — деди хов-
лини кўрсатиб янга.

— Нима бўпти? Иккинчи марта болаларимни
уришганингни кўрмай. Йўқса...

— Нима қилардинг?

— Кўрсатиб қўяман, — деди Норбой ва

янғасининг юзига тарсаки тортиб юборди.

Жанжал баҳона Барно болаларини эрга-
штириб, онасининг уйига кетиб қолди. Кетаёт-
ти эри Пўлатга жанжал тафсилотини оқи-
май-томимай айтиб берди. «Укангиз мени
ургандан сўнг бу ҳақда отангизга айтмоқчи
бўлиб, бобом ётган уйга кирмоқчи бўлганим-
да Норбой мени ичкарига киритмасдан йўлимни
тўсиб яна урди», — деди. Бу гапларни
эшитиб Пўлатнинг капалаги ўчди. Анчадан
буён юрагини ўртаб келатган адоват яна
исён қилди. Шу кайфиятда кўчага чиқиб ке-
таётган эди, акаси Ражабнинг бандихонлик
ўртоғи Намозга дўч келди. Дардим ёзиларми-
кан деган мақсадда уни чойга таклиф қилиб,
шу яқин орадаги ошондада овқатланиб, спи-
ртли ичимлик ичишди. Даврага акаси Ражаб
келиб қўйишди. Меҳмондорчилик авжига чиқ-
ди. Пўлат айтлари суҳбатга қўшилмас, жир-
канч уйлар билан банд эди. Акасига бугунги
нохушлик ҳақида айтмоқчи эди, Ражаб уни
тинглагиси келмади. «Уйда гаплашамиз» деб

гапини бўлди. Пўлат уйга келганида қоронгу
тушганди. Болаларсиз уйга киргиси келмас,
ичкари қирар, ташқари чиқарди. Алами ошиб,
аллақандай режалар тузди. Ниҳоят уйдан
«Жигули» машинасининг қалитини олиб, ма-
шинада опаси Зулфиянинг уйига борди. Зул-
фия Пўлатнинг мастлигини билгач, машина-
ни олиб қолди. Кечки соат ўнларда пийда уйга
келган Пўлат алаמידан тўппа-тўғри ховлида-
ги гаражга кирди. Бир литрлик полиэтилен
идишда бензин олиб, укаси Норбойнинг хона-
лари томон юрди. Ховлидаги ёғоч қароватда
Норбойнинг хотини Қундуза ўтирар, пашшахо-
нада уларнинг фарзандлари Исаки, Нарги-

за, Назарбеклар ухлаб ётарди. Пўлат ганди-
рақлаб бориб, қўлидаги бензинни Қундузнинг
эгнига, пашшахонага, ўрин-кўрпаларга се-
пиб, закигалка билан ёқиб юборди. Қароват,
пашшахона ловуллаб ёна бошлади. Уст-боши
ёнаётган Қундуза ўзини болаларига урди. Бол-
доғи болалар бир пасда ўт ичиде қолди.
Онаизор ва болаларнинг фарёди «Оқсой»
маҳалласи бўйлаб узок-узокларга кетди. Олов
бўлиб меҳр ёнди, оқибат ёнди!

1999 йил 6 октябрда туғилган Қултоева
Насиба 98 фоиз, 2001 йил 3 январда туғилган
Қултоева Наргиза 85 фоиз, 2003 йил 6 ноябрда
туғилган Қултоева Назарбек 80 фоиз қуйиш
натижасида шифохонада вафот эттичди. Пўла-
това Қундузнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Бу фожеа барчамизни ҳаётга теранроқ
назар билан қарашга ундаши керак.

**М. МАМАТМУРОДОВ,
Сурхондарё вилоят прокуратурининг
катта ёрдамчиси**

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

ОНА

Уйда кекса онаси билан суҳбатлашиб ўтирган Файратнинг пешонаси дока билан боғланган, ранги бир ҳолда...

— Она, бу жойда яшаб бўлмайди. Одамларнинг кўзига қаролмай қолдим. Ойликларини олишмаганига худди мен айбдордай, ҳаммаси хўмрайди. Холи жонимга қўйишмаяпти.

— Арз-додини ҳеч ким эшитмаганидан кейин нима қилсин... Мана, Давлат малим ҳам шуни ёзган эди. Иш чикмади. Қайтганга малимини жиннихонага ётқизиб, ўлдириб юборишди.

— Энди мен ёзаман. Москвагача бораман...

— Шошқалоқлик қилма, бир ўзинг ҳеч нарсани қилмайсан... Замон пулдор-у амалдорларники. Халиям кувелингинг иш бериб турибди. Бўлма-са аллақачон...

— Шу пайт эшик очилиб, Ханифа кириб келди. Қовоғи солиқ. Она болани кўрмаганга олиб, индамай ичкарига кириб кетди.

— Борақол, келин келди. Мен дамимни оламан.

Файрат хотинининг ёнига кирди. — Ҳа, намуна қовоқ-тумшук, сабаби борми?

— Бўлди, ажрашамиз, — деди хотини томдан тараша тушгандек.

— Ажрашамиз? — ҳайрон бўлиб сўради Файрат. — Нега? Амакинг сенга янги эр тоғибди-да? А?

одамга «Толибни Олимбек йўқотган, мени ҳам йўқотади» деди. Улар план тузишди, деворнинг орқасидан эшитдим.

— Қандай план?

— Фармон чўлоқ унинг ёнига келиб, нималарнидир шивирлади.

— Бўлди, етар сайраганлари. Да-чадаги йигитларга айт, Файратни жиннихонага обориб топширишсин. Ўзим галлашиб кўяман. Бошга бир-икки мушт туширишсин, аммо ўлдириб қўйишмасин. Ҳа, оқ халат кийиб олишсин. Яна Файрат танимай-дигани, янги келганлари борсин. Бор жўна, шу кечадан қолдиришмасин.

Фармон чўлоқ кетди. Раис стол устидаги телефони олиб кўнгириқ қилишга чоғланди.

— Сиз билан кеча ёки бугун эмас, ўн йиллик оғайнимиз. Ҳаммасини имин-жимидда, бир уқол билан қилиш мумкин-ку?..

— Сизга осон ту-юлса керак, унинг ёнига ички ишлардан одамлар келиб туришибди. Уқол қилинган шпригача текширишибди. Ҳам-шунга «қайси шпригачдан уқол қилсангиз, ўшани дори шишаси би-

сенга қаратэни ўзим ўргатаман.

МЕҲМОНДОРЧИЛИК

Олимбекнинг меҳмонхонасида туман раҳбари, вилоятдан келган мансабдорлар ўтиришибди. Шуларнинг орасида Қобил ҳам бўлди.

Олимбек бир гапириб ўн қулади. Ўтириш охирида қолганда вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи раиснинг ёнига келди. Полковник келиши билан Олимбек бурилиб қаради. — Қалай, чарчатиб қўймадикми, Олимбек ака?

— Ҳо, Олимбек меҳмондорчиликдан чарчарганим? Бошимиз шифтга етди. Айтганча, ҳалиги мелисангиз бор-ку, янги инспекторингиз, бураб қўйдингизми ёки ўзим қалишини тўғрилаб қўямиз?

Полковник кудди. Ёнида ўтирган Қобилни кўрсатиб қолди. — Кечиринг, акаси, сизни бошқа безовта қилмайди.

Кейин бир Қобилга, бир

уйнашаяпти.

Қорачадан келган барзанги дав-рабошилик қилаяпти шекилли, ҳар замонда қадаҳни юқорига кўтариб, «қани, олдиқ бўлмаса» деб қўяди. Бир пайт ичкаридан бир тўда қизлар чиқибди. Йигитлардан иккитаси ўринларидан туриб магнитофоннинг овозини баландлатиб, уларни ўйинга таклиф этишди. Қора лақабли йигит биттасининг белидан ушлаб қароватга босаётганида ичкаридан Олимбек чиқди. Қора кучоғидаги қизни бўшатиб, унга қараб юрди.

— Қора, қанақа одамсан, ишонганим сен бўлсанг, ўлгудек калтабин экансан-ку?

— Тинчликми, хўжайин?

— Биринчидан, ҳамманинг кўз олдида шунақа иш қилишинг яхши эмас. Иккинчидан, бу йигитларинг пачоқ-ку?

— Тушунмадим, хўжайин.

— Чақир, тушун-

олди...

Эрталаб руҳий касалликлар шифохонасидан юз метрга нарига қуларанг «Жигули» келиб тўхтади. Милиция капитани формасидаги Қора ва қора костюм-шим, оқ қўйлаб кийиб, бўйнига галстук тақиб олган уч йигит машинадан тушиб, атрофга алаңлашди. Шифохона рўтарасидаги чойхонага бориб кузатишга қулай жойни таълаб ўтиришди. Чойхоначиқўлни кўксига қўйганича уларга яқин келди:

— Хуш кўрдик, келинглар.

Қора:

— Битта ош қилиб берасиз, — деб чўнтагидан 50 сўм олиб чойхоначига узатди. — Булар юқоридан келишган.

— Ҳўп бўлади.

— Ҳа, айтгандай, — яна 10 сўм узатди, — ҳалигидан битта олиб келинг, ош пишгунча эрмак қилиб турарамиз.

— Энди буниси биздан бўлақолсин, хўжайин, илтимос.

— Битта ароқ билан тўрттасининг оғзини мойлаб юбордим деб талтайиб юрасиз-да! А?

— Энди, тиркичилик, хўжайин, — чойхоначи қулиб чиқиб кетди.

Шом пайти шифохона дарвозаси олдида Қобил кўриди. Ошқўрлар суратга қараб, машинага бориб ўтиришди. Қобил ичкарига кириб кетди.

— Хавотирланманг. Ўзим кўз-қулоқ бўлиб турибман, ука, — деди даволоччи врач. Қобил миннатдорчилик билдирди:

— Кўз-қулоқ бўлиб туринг, акахон, ёрдамингизни унутмаймиз.

— Кўрмсанг, бошлиққа ёмон кўринсам-да. Файратни эхтиётлайман. Кеча кунайтирилган нарқоз беришмоқчи экан, йўл қўймадим. Аммо ўзининг тинчмин бузилди.

— Нима бўлди?

— Ишдан бўшатишармиш, гўё бу уқолни мен қилаётганимда бош врач қўлга туширган эмиш.

— Парво қилманг, ҳаммаси яхши бўлади.

Бироз гаплашиб ўтиришган Қобил ўрнидан турди:

— Бўлмаса, бизга рухсат бера-сизлар, божанинг туғилган кунин эди.

Эшиккача кузатиб боришди.

Қобил шифохонадан чиқиб машинасига яқинлашди. Шу пайт Қора ва икки йигит Қобилнинг қўлидан ушлаб бошқа машинага олиб кетишди.

— Кимсизлар? — Қобил машинага чиқибга қаршилик қилди.

— Машинага чиқинг, сабабини бошқармада биласиз, — бири унинг суратини ўзига кўрсатди. — Ўзингизми?

— Ҳа.

— Бўлмаса, жимгина машинага чиқиб ўтиринг.

— Ўзининг машинада боравераман, қочиб кетмайман.

— Гапни кўпайтирманг, куч ишла-тишга мажбур бўламиз.

— Харқалай кимликларингизни айтарсизлар?

— Биз алоҳида топшириқ бажарувчи бўлинаданмиз. Сизни олиб келишни буоришган. Баҳараятимиз.

Қобил ноилоҳж машинага ўтирдию унинг бошқармага эмас, тоғ томонга кетаётганини кўриб, булар орган ходимлари эмаслигини билди.

«Ҳа, олиб бориб ўлдириб, сувга ташлаб юборишди. Ҳозир ўлдим нима-ю, бир пасдан кейин ўлдим нима...» Секун тўппончасини олиб, эгчиллик билан бамайлихотир кетаётган ёношдиқларининг оёғига отиб ярадор қилди-да, ўзини йўқотмай шўфёрга тўппонча пиради.

— Тўхта!

Шўфёр бирдан тормоз бериб Қобилнинг қўлига ёпишди. У иккинчи қўли билан шўфёрнинг бўйнидан бўниб олди. Қора билан шериғи инграб бехоҳ ётарди. Қобил қўлини шўфёрнинг бўйнидан бўшатди-да, сочидан ушлаб орқасига тўппонча пиради.

— Туш машинадан. Сал ноқўй ҳаракат қилсанг, отаман. Шўфёр тушиди.

— Беш метр олдинга юр. Қорнинг билан ёт!

(Давоми кейинги сонда).

Исмаилага Йўлдошев



— Амакимни ўртага қўшманг. Шуям турмуш бўлдимми? Ҳамма нарсамиз эски, уйдан зах кўзи келади. Отам олиб берай деса кўнмайсиз. Амакинг айтса, сакрайсиз. Одамларнинг уйига кирсанг, чикқинг келмайди.

— Мен фақат пешона терим эвазига яшайман, бировнинг ҳаром пулига зор эмасман.

— Ичингиз қора-да! Ўзингиз бўлолмайсиз, бўлганин кўролмайсиз. Ўзи адашган эканман-да. Мен аҳмоқ сизнинг нимангизга учганман-а?

— Нафсониятигма тегма. Ҳаммаларинг ҳаромхўрсизлар, — деб юборди Файрат.

— Сафсатабоз... Мен молхонага ўхшаган бу ҳовлингада яшолмайман.

— Бориб айт ўша амакингга. Бир кунни хор-зор бўлади. Ушанда сен ҳам бир бурда ҳалол ноннинг қадрига етасан.

Хотини қошларини чимирди:

— Фол очаясизми? Нимангизга ишонасиз ўзи?

— Кетадиган бўлсанг тезроқ кетақол. Фақат қизимни қолдирасан...

— Олиб кетаман деб кўзимни учиб тургани йўқ.

— Келишди, нарсаларингни олда, кетавер.

Хотини бир муддат уйни кўздан кечирди-да:

— Ҳаммаси сизга совға, ҳеч нарсанинг кераги йўқ, — деди. Қизи ётган хонага кирди. Унинг икки юзидан ўлди.

— Мен кетдим.

Қизалоқ ҳеч нарсани тушунмади. Қўлларини силкитиб хайрлашди. Файрат унинг ўртасида бошини чангаллаганча ўтириб қолди.

ТОҒ ХОВЛИ

Олимбек сўри остида стулга ўтириб, қип-қизил олманг уйнаганча идора қоровули, Файратнинг қўшиниси бўлиш Фармон чўлоқнинг галларига қулоқ соларди.

— Раис бува, Файрат ёнидаги

лан бир пакетга солиб ўзига бера-сиз, бу йигитнинг ҳаёти бизнинг назоратимизда» дейишибди, — деди руҳий касалликлар шифохонаси бош врач.

— Ҳўп бўлади деб тургандирсизлар?

— Одамни пастга ураверманг, ака, умуман, унинг жинни бўлиб қолиши нима учун зарил бўлиб қолди?

— Унис билан ишингиз бўлмасин, — Олимбек ўрнидан туриб сейфни очди. Ундан йигирма беш сўмлик икки пачка пул олиб врачнинг олдига қўйди. — Мана бу беш минг. Яна беш минг бераман. Уни бутунлай ишга яроқсиз, жинни деган қогоз қилиб беринг.

Врачнинг чеҳраси ўзгарди.

— Иккинчи таклифингизга розиман. Умуман раҳбарлик ишига қайтмайдиган қилиб ҳужжат тайёрлашим мумкин...

— Бўпти, гап битта.

— Битта.

Раис столда турган арман конягидан икки пиёлага қўйиб, бирини врачга узатди.

Врач кетгач, хонага қассир кирди.

— Раис бува, пулларни олиб келдим.

— Қанча?

— 198 минг.

— Так... 8 минг ўзингга ол. 10 мингини таркат. 15 минг боғлардаги дўстларга, яъни қоровулларга, — қулиди. — Қолганини каминга келтирасан. Ҳа, айтмоқчи, идорадаги кўпакларга ҳам 10 минг бер. Хайит калга айт, тўғрилаб қўйсин. Унинг ойлигини биласан-ку, ўзим бераман.

— Ҳўп бўлади, — қассир кетишга чоғланди-ю, аммо чиқмади.

— Ҳа, яна қандай гапинг бор?

— Раис бува, — деди қулиб қассир, — қоровулларингизга айтинг, менга ҳалиги қаратэсини ўргатишсин.

— Бўпти, боравер, керак бўлса,

раисга қараб гапида давом этди:

— Олимбек акангиз чинор, биз ҳам ўша чинорнинг панохида, ҳазиллашманг. Хафа бўлмайсиз, ёш-да ҳали.

— Узининг тили йўқми? — Қобилнинг олдига ўтди Олимбек. — Ҳўш, йигитча, хуш келибсиз. Нега ичмадилар, рози эмасмилар? — шишани олиб икки стаканга қўйди. — Қани, мулла йигит, бир тўқиштирайлик. Бўлмаса, тутзордагини эслаймиз.

— Ўзи кўп бўлиб кетди, бугунга етар, ака.

— Олимбекман! Қўлимни ҳеч ким қайтармаган, олинг!

Қўил олди.

— Бундан кейин ака-ука бўлиб қолайлик, қани олдиқ.

Ичиб, тўкин дастурхондан олиб газак қилишди.

— Файрат учун қуниоб ётманг, кимгадир омад, кимгадир хўрлик берилган. Бу худонинг иши, укам.

Атрофга ўнайсиз жимлик чўқди.

— Энди қайтсак, — деди ижрокўм раиси ўтирганлар номидан.

— Утирамиз, тандирқабоб еймиз. Ҳамма жим бўлди. Қобил энди ўзининг ортиқчилигини сезиб деди:

— Менга рухсат берсангиз, уйга айтмай келганим.

— Утирасан, ҳамма қатори кетасан.

Бирон ишқал чиқшини сезган полковник:

— Энди Қобилжонга рухсат бера-қолинг... Ўз одамингиз бўлиб қолибди. Ҳалиги воқеадан кейин «синовдан ўтолмади» деб думини тугишаёт-тудди. Орага ўзим тушиб олиб қолдим. Худо хоҳласа, сиз-у бизни уялтирмайди, — деди.

Қобил ҳамма билан хайрлашиб чиқиб кетди.

Раиснинг тоғдаги дачасида беш-олти йигит кайф-сафо билан банд. Магнитофондан қандайдир чет эл ашуласи эшитилмоқда. Барзанги йигитлар естиқча ёношлаб, қарта

тираман.

Қора иккитасини чақирди.

— Қани, мени пичоқла-чи, — деди Олимбек улардан бирига.

— Ҳаққийсидами ё?..

— Ҳаққийсида.

У пичоқни ўқталishi билан Олимбек бир айланиб унинг қорнига шундай тепдики, рақиб гужанак бўлиб ййқилиб қолди.

— Раис, ёмон тепдингиз, — деди Қора. — Яна қасдлашиб қолмасин. Унинг феъли ёмон.

— Унда сен нима қилиб юрибсан?

— Ҳарқалай муқофотлаб қўйинг.

Раис чўнтагидан бир сиқим пул чиқариб:

— Лақаби нима? — деб Қорадан сўради.

— Тош.

Олимбек Тошга яқин борди.

— Тош, ма ол, — Тош турди, лекин ниёти бузўқ эди. Олимбекка яна ташланди. Раис ундан ҳам эгчилроқ ҳаракат қилиб, кифтининг қирраси билан белига урди. У энди туролмай қолди.

— Йигитларга айт, мўмиё суриб даволашсин, ичкарига ётқишсин.

Сариқ башара йигит раисга яқинлашди.

— Зўр, раис. Агар Японияда бўлганингизда жаҳонни титратардингиз.

— Ҳозир ҳам Япониядагидан кам эмасман.

Сариқ нашанинг кайфидан арағ турарди.

— Раис, бизлар зерикиб қолаямиз. Бизга қизғинроқ иш буоринг. Биз қилладиган ишни орган икки дунёда ҳам очолмайди.

— Бор, қизларни зериктирмай тур. Қора билан ҳозир бораемиз.

Иккаласи боғнинг чеккаси томон юришди.

— Қора, йўлда нега қоровулинг йўқ? Беғона одам кириб биронтангни таниб қолса нима қиласан? Бе-шовингнинг суратларинг ҳамма мелисахонада осилг.

— Бўлди, тушундим.

Олимбек мўздагига кўчидан олдин чўнтагидан Қобилнинг суратини

ЭЛ СИЙЛАГАН ИНСОН

Тўхат ўрида



Умр кишига бир марта бериладиган неъмат. Уни қандай яшаб ўтиш инсоннинг ўзига боғлиқ. Кимдир умри давомида фақат эгу ишлари билан эл хурматига мушарраф бўлади. Шундай инсонлардан бири Мамат Мамановдир. У чорак асрдан зиёроқ вақт мобайнида эл орасида ўз меҳнати билан обрў-эътибор, кадр топди. Халқимизнинг турмуш даражасини яхшилаш, эл фаровонлигини оширишда жонбозлик кўрсатиб келди. Унинг республика қонунчилигини мустахкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Мамат Маманов 32 йилдан ортқ Бухоро, Фарғона, Сирдарё ҳамда Жиззах вилояти прокуратураларида самарали хизмат қилди.

Мамат ака ҳар бир ишга масъулият билан ёндашиб, унинг-ечимини одилона ҳал қилишга интилиб келмоқда. Қонун бузилишига муроса-

сизлик ва бурчиға содиқлиги билан прокуратура ходимлари орасида хурмат қозонди.

Хозир у киши билим ва тажрибасини ёшларни тарбиялашга қаратиб келмоқда. Унинг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустахкамлашга қўшган ҳиссаси прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча марта рағбатлантирилган.

70 ёшни қаршилаш арафасида турган Мамат Мамановни табарруқ ёши билан муборакбод этарканмиз, унга оилавий хотиржамлик, тансиҳатлик, узоқ умр талаб қоламиз.

Республика Бош прокуратураси жамоаси ва фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази

Турфа олам, турфа одамлар

«YAMAHA» ВА ХАВФСИЗЛИК

Япониянинг «Yamaha Motor» компанияси ҳақида эшитмаган одамни топиш мушкул. Яқинда ана шу донгдор компаниянинг уч нафар ходими жиддий айблов — вертолётлар контрабандасида айбланиб ҳибсга олинган.

Япон полицияси вакилининг айтишича, «Yamaha» ходимлари Хитойга контрабанда йўли билан сотиб юборган учувчисиз вертолётлар айнан картография мақсадларида фойдаланишга мўлжалланган. Бу эса япон ҳукуматида «бунда ҳам Хитой армиясининг қўли йўқмикан» деган навбатдаги шубҳанинг тўғрилишига сабаб бўлди дейилади «The Forbes» тарқатган хабарда. Сабаби, учувчисиз бошқариладиган вертолётлар одатда ҳарбий мақсадларда фойдаланилади.

Кунҷар мамлакат қонунчилигиға кўра, бундай олди-сотдилар учун ҳукуматнинг махсус руҳсати талаб этилади. «Yamaha» ходимлари эса бу борада ҳеч қандай руҳсатномага эга бўлмай туриб хитойлик ҳамкорлариға ана шундай вертолётдан 8 тасини сотишга улгурган.

Компания ходимлари шундай ишларға қўл ураётгани тўғрисидаги маълумотлар 2005 йилдаёқ савдо вазирилик инспекциясиға етиб келган ва шундан кейин ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан кенг қамровли текширишлар бошлаб юборилган эди.

БАРИБИР ФОЙДА БЕРМАН



Коммунал хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муаммоларға дуч келмаган шахарлик топилмас керак. Ана шундай муаммони ҳал қилишнинг қалтис йўлини танилаган Россиянинг Колчугина шахарчасида яшовчи В.Е. исми шахс ҳозир қонун олдида жавоб беришға тўғри келмоқда.

Воқеа бундай бўлган: кўпқаватли уйда яшовчи В.Е. нинг хонадонидаги канализация қувури тикилиб қолгач, у коммунал хизмат кўрсатиш идорасиға мурожаат қилган. Мурожаатлари ҳар сафар эътиборсиз қолавергач, В.Е. ўз билганидан қўлмасликка қарор қилган ва уйда сақлаб келаётган пистолетни олиб коммунал хизмат кўрсатиш идорасиға кириб борган. У ердигиларға қурол ўқталиб эздилик билан канализация қувурини тозалашни буюрган. Турган гапки, қий-чув, тўполон кўтарилган, тезда милицияға хабар берилган.

Милиция идорасиға олиб кетилган В.Е. га нисбатан Колчугина туманлараро прокуратураси Россия Жиноят кодексининг 119-моддаси (ўлдирish билан таҳдид солиш) бўйича жиноят иши қўзғатган.

Буни қарангки, шунча шов-шувға қарамай, В.Е. мақсадига эришолмаган: унинг хонадонидаги канализация қувурларини ҳалиям тозалашмаган...

ПЕНСИОНЕРГА ТЕГМАНГ, АКС ҲОЛДА...

Коста-Рикаға саёхат уюштирган бир гуруҳ АҚШ-лик пенсионерлар икки соат ўтар-ўтмас яна мамлакатига қайтишға мажбур бўлишган. Чунки улар ўтирган автобусға босқинчилик уюштирилгани оқибатида бир киши қурбон бўлган.

Маҳаллий полициянинг хабар беришича, автобусни тўхтатиб пенсионерлардан пул ва бошқа буюмларини тортиб олиш мақсадига салонга чиққан қуролланган босқинчилар жиддий қаршиликка дуч келишган: пенсионерлар ҳаммалари бир бўлиб уларға ташланганлар. Бундай бўлишини кутмаган босқинчилардан иккитаси тўдабошини ташлаб қочиб қолишган. Тўдабоши эса қўлидаги қуролни ишлатишға ҳам улгуролмаган, уни қуролсизлантиришға улгурган пенсионерлар босқинчини ўртага олиб роса ур-теп қилишди. Оқибатда 20 ёшли йигитнинг бўйни синиб, шу ернинг ўзидаёқ жони ўзилади.

Полиция ҳулосасиға кўра, пенсионерлар зарурий мудофаа йўлини туттишган, шу сабабли уларға нисбатан жиноий таъбиҳ ҳавф солмайд.

Демак, ўз уйига қайтиб борган АҚШлик пенсионерлар бемалол Коста-Рика саёхати ва қўрсатган жасоратлари ҳақида невараларига ҳикоя қилиб беришлари мумкин.

Нима бўлганда, ёши бир жойга борганда ёшга яқин йигитни уриб ўлдирish... екимсиз таассурот уйғотади одамда.

ТАРИХНИНГ БАҲОСИ



Испания аукционларининг бирида минг йиллик зайтун дарахти 25 минг еврога сотилди деб хабар беради «The Guardian» агентлиги. Испаниянинг Кастеллон провинциясиға қарашли Калинг қишлоғида ўсган бу дарахтнинг оғирлиги 16 тоннага, танасининг айланаси етти метрга тенг экан. Тарихчиларнинг гапиға қараганда, бу дарахт ким томонидан экилгани номаълум. Баъзилар дарахтнинг римликлар эккан десга, баъзилар уни араблар эккан деган тахминни илгари суришди.

Калинга қишлоғи аҳолисининг 50 дан ошқ эвлодиға «хизмат қилган» бу дарахт Францияға олиб кетилиши билан Испаниянинг Кастеллон провинцияси ана бир тарихий бойлигидан махрум бўлди.

Икки йил олдин маҳаллий фермердан бу дарахтни арзонгаровға сотиб олган компания аукционда уни французларға 25 минг еврога сотиб юбориши провинция аҳолисининг норозилигиға сабаб бўлган.

Зайтун ёни етиштирувчи маҳаллий кооператив раҳбари Рамон Мампел бу ҳақда шундай деган: «Кастеллон зайтунлари дундаги энг қадимги дарахтлардан саналади. Улар тарихимизнинг жонли гувоҳларидир. Уларни пуллаш моҳиятан олганда биз учун умуман фойда келтирмайд.

Кастеллон аҳолиси бугунги кунда ёши минг йилдан ошган дарахтларнинг сотилишини таъкидлаш тўғрисида қонун ҳабд қилиш ташаббуси билан чиқмоқда. Бу бежиз эмас, сабаби, провинциянинг ўзда минг йиллик зайтун дарахтларининг сони 1200 дан зиёд. Агар чораси қўрилмасга, маҳаллий қорчалонлар уларни битта қолдирмай хорикликларға сотиб юбориши ҳеч гапмас.

ЗОҲИД тайёрлади

РЕКЛАМА / РЕКЛАМА

ИККИ ЙИЛДАН БУЁН РИНЗА ТАБ. №10 ДОРИСИ ЎЗБЕКИСТОНДА ГРИПП ВА ШАМОЛЛАШГА ҚАРШИ 1-РАҚАМЛИ ВОСИТА ҲИСОБЛАНАДИ

Энди РИНЗА таб. №10 голограмма билан

2007 йил 12 февралдан эътиборан «Pharmed sanoat» хусусий корхонаси дорининг аслини ва истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида уни ГОЛОГРАММА — ҳимоялаш тизимини қўллаган ҳолда ишлаб чиқармоқда. ГОЛОГРАММА дори қутисининг ҳар икки томонида жойлашган.

Сизларга ҳамisha омонлик тилаймиз!

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 399-55-00; 175-75-00



ФАКТ

◆ 42 километрлик масофаға югурувчи марафончи мушчалик кўч қалория йўқотадики, у олдий одамга икки кунга етади. Бу ҳам етмагандек, марраға етган марафончининг бўйи 1 сантиметрга қисқаради.

◆ Агар кишини герметик хонаға қамаб қўйишса, сизиниңча, нима бўлади? Сиз киши килород етишмаслиги натижасида ўлади дейишингиз мумкин. Улиши аниқ, фақат килород етишмаслигидан эмас, балки углерод оксиди қўпайиши туйфайли.

◆ Бор-ўйғи бир томчи нефт 25 литр ичимлик сувини бўлгайди.

◆ Бир йилда одамлар ўз қаётларини сугурта қилишдан кўра синарет ва алкоголга кўпроқ пул сарфлашар экан.

◆ Ҳозир суд экспертизаси шунчалик ривожланиб кетдики, биргина соч толасини ўрганши орқали кишининг жинсини, ёшини ва бўйини аниқлаш мумкин.

◆ Маълум бўлишича, госпиталлардаги қўллаб ўлимлар кечаси соат 4 билан 6 вичг оралнида, айнан инсон таваси бирмунча кучсизланган вақтда содир бўлар экан.

Саломатлик бурчаги

Кексаллик яқин...

Узоқ умр қўриш, бахтли яшаш, шу билан бирга ёш ва навқирон бўлиб юриш инсониятнинг абадий орзуси. Қадимда бунинг учун одамлар сеҳр-жоду ёки алтамбало дориворлардан нажот қидирган бўлса, бугунги кун олимлари қарилликка қарши курашининг комплекс усулларини тавсия қилишди. Шунингдек, навқиронлик деган тушунчанинг моҳияти ҳам ўзгарди: энди нафақат ташқи кўриниш, балки соелом юрак, тоза жигар ва иллатсиз ошқозон-ичак ёшлиқнинг аломати санала бошланди.

Назарий жиҳатдан қарши — табиат қонунига кўра инсон аъзолари фаолиятининг сустайиши, тирик организмнинг табиий босқичи. Қариллик тиббиётда физиологик, табиий, муддатидан олдинги, муддати узайган каби турларға бўлинар экан.

Қариллик ёки кексайишнинг ички, ирсий, гормонал ва эркин радикаллар таъсири каби сабаблари маълум.

Ички таъсирларға сурункали касалликлар, инфекциялар, захарланишлар ва организмға зарурий моддаларнинг етишмаслиги, ташқи таъсирларға эса экология, яроқсиз сувлар, ҳаводаги газ каби омиллар кирди. Шунингдек, носоғлом турмуш тарзи (ичкиликбозлик, кашандалик, гиёҳвандлик) ва нотўғри овқатланиш ҳам организмнинг қаршини тезлаштирувчи омил саналар экан. Улар орасида энг хавфлиси стрессдир.

Ана шу омиллардан йироқ юриш инсон умрининг узоқ йилларини навқирон бир ҳолатда кечиришита имкон беради.

Утганларнинг охираги обод бўлсин!

Республика Бош прокуратураси жамоаси бошқарма бошлиғи Исом Жасимова волидаи муҳтарамаси **БАХИЧА** аянинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

Навоий вилоят прокуратураси жамоаси Навоий шахар прокурори А.Болтаеваға волидаи муҳтарамаси **ХОЛСОАТ** аянинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Huquq

yuridik gazeta

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi: **Jahongir MAKUMOV**

Tahrir hay'ati:

Yusupboy G'OIPOV, Bahriiddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-98-82, 133-10-53.

E-mail: huquq97@mail.ru

Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariға qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib olinganda «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatish shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar b'elgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma G — 255, 27 147 nusxada bosiladi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi. **Novbatchi muharrir: A.MUSTAFOVQULOV** **Mas'ulhi: A.MUSTAFOVYeva**

Gazeta «Sharq» NMK basmaxonasida ofset usulida chop etiladi. Korxonaning manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 19.30 1 2 3 7 8

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

To'rtinchi: **O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi**